

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“ТЕХНОЛОГИЯ” факультети
декани и.ф.н., доц. Р.Рахимов

“ ____ ” ____ 2015й.

“ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”
“Иқтисодиёт” кафедраси
муdiri и.ф.д, проф.
А.А.Сотволдиев
“ ____ ” ____ 2015й.

“Иқтисодиёт” йўналиши талабаси

Қосимова Умидахон Жамолиддин қизининг

**“Қўрғонтепа туманида кичик бизнес ва тадбиркорликни
ривожланиши ҳолати таҳлили ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар: и.ф.н., катта ўқитувчи Исроилова Д.К.

АНДИЖОН-2015йил

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«ТЕХНОЛОГИЯ» факультети, «ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси,
«ИҚТИСОДИЁТ» йўналиши, 4 курс, 3 гуруҳ.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Иқтисодиёт» кафедраси
муздри и.ф.д, проф
А.А.Сотволдиев

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Қосимова Умидахон Жамолиддин қизи .

1.Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Қўрғонтепа туманида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши ҳолати таҳлили”

” “ -сонли ноябрь 2014 йил кафедра мажлисида маъқулланган.

2.Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “_____” июнь 2015й.

3.Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар:
Қўрғонтепа тумани иқтисодиёт бўлимининг 3 йиллик статистик маълумотлари, илмий мақолалар ва тезислар.

4.Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

Їбоб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари.

II боб. Қўрғонтепа туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари.

III боб. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш йўналишлари

5.Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади)

1.1.2-чизма. Хусусий тадбиркорлик меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари

2.1.1-жадвал. Қўрғонтепа тумани асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

2.2.2-жадвал.Кичик бизнес ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	Исроилова Д	15.12.2013й	04.01.2014й
2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари.	Исроилова Д Жўрахонов М	06.01.2014й	25.02.2014й
3	Қўрғонтепа туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари.	Исроилова Д	27.02.2014й	14.04.2014й
4	Хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш йўналишлари	Исроилова Д	16.04.2014й	30.04.2014й
5	Хулоса	Исроилова Д	02.05.2014й	21.05.2014й

7. Битирув малакавий ишининг бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва афзалликлари	10.01.2014й	
2	Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асослари.	17.01.2014й	
3	Кичик бизнес субъектларининг фаолият кўрсатиш механизми	25.02.2014й	
4	Қўрғонтепа туманининг ижтимоий - иқтисодий ҳолатига баҳо	14.03.2014й	
5	Кичик бизнесни ривожланиш ҳолати тахлили	14.04.2014й	
6	Хусусий тадбиркорлик инфратузилмаси ва уни ривожлантириш	23.04.2014й	
7	Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб қувватлашнинг хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш	30.04.2014й	
8	Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш чора-тадбирлари	19.05.2014й	

Битирув малакавий иши раҳбари: Исроилова Д

Топшириқни бажаришга олдим: Қосимова У

Топшириқ берилган сана: ноябрь 2014 йил

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	5
-------------------	----------

1 БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.2.Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва афзалликлари.....	9
1.2. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асослари.....	18
1.3. Кичик бизнес субъектларининг фаолият кўрсатиш механизми.....	28

II БОБ. ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Қўрғонтепа туманининг ижтимоий -иқтисодий ҳолатига баҳо.....	35
2.2. Кичик бизнесни ривожланиш ҳолати таҳлили.....	46
2.3.Хусусий тадбиркорлик инфратузилмаси ва уни ривожлантириш..	63

III БОБ. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

3.1. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб қувватлашнинг хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш.....	70
3.2. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш чора-тадбирлари.....	85

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	94
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	97
ИЛОВЛАР.....	101

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда ҳаммамизга маълумки мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даври бошланган эди. Бу жараён босқичма-босқич амалга ошди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг қилган саъй-ҳаракатлари, мамлакатни бу ҳолатдан олиб чиқиш бўйича қўллаган усуллари, тинимсиз меҳнати ва чиқараётган фармонлари мамлакатимизни бундай ноқулай вазиятлардан олиб чиқди ва ҳозирда мамлакатимизни бутун дунё таниди ва тан олди. Ушбу фармонларнинг кўп қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларда мавжуд бўлган тўсиқларни очиб беришга қаратилган.

Кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.¹

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона, ташқи иқтисодий фаолиёт ва бошқа соҳаларда турли имтиёзлар бериш орқали уларнинг ҳар томонлама ривожланишига имкониятлар яратилди. Улар фаолиятига давлат бошқарув ва назорат органларининг ноқонуний аролашувига чек қўйилмоқда, ҳокимият органларидан тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтиш тартиби кескин соддалаштирилди, уларга хизмат кўрсатишда сансоларликка йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимлар

¹ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.: Халқ сўзи. 2014 й 18 январь, № 13 (5943)

жавобгарлигини ошириш бўйича тегишли меъёрий ҳуқуқий база кундан-кунга такомиллашиб бормоқда.

Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисоб рақами очиш учун тўловлар бекор қилинди.

Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21 -ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.²

Республикамиз ва унинг вилоятларида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг алоҳида масалалари маълум даражада ўрганилган.

Мамлакатимиз олимлари, чет эл олимлари, яшаб ижод этган алломаларимиз каби йирик иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида ҳам кичик тадбиркорлик мавзулари ўрганилган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар ўзларининг эътиборини асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий иқтисодий мазмунини очиб беришга, унинг умумназарий масалаларини ўрганишга, жамият ҳаётини моддий жиҳатдан кўтаришда уларнинг ўрни ва аҳамиятини асослашга қаратганлар. Кичик тадбиркорлик

² Ўша асар .

фаолиятини ривожлантириш хууссиятлари ва муаммоларни тадқиқ этишга етарлича эътибор бермаганлар. Маълумки, кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш айти чоғда минтакавий муаммо ҳамдир. Бу муаммоларни ҳал этиш учун унинг ўз жойида маҳаллий имкониятлар ва маҳаллий корхоналарни ривожлантириш орқали ҳал этиш асосий масаладир.

Шунинг учун кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг амалий йўлларини умумлаштирилган ҳолда етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги ва бошқа муҳим ечилмаган муаммоларнинг мавжудлиги ушбу битирув малакавий ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.

Битирув малакавий ишининг мақсади - Қўрғонтепа тумани иқтисодиётини, кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолиятини ўрганиш асосида, улар фаолиятини ривожлантириш.

БМИ нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий асосларини ўрганиш,
- туман микёсида кичик тадбиркорликни ташкил этиш имкониятларини аниқлаш;
- туманда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни шарт-шароитларини аниқлаш;
- кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш;
- Қўрғонтепа туманида кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш даражасини таҳлил этиш;
- хусусий секторда, саноат бўйича тадбиркорлик салмоғини ошириш йўлларини белгилаш;

БМИнинг объекти; Қўрғонтепа тумани иқтисодиёти ҳамда кичик бизнес билан шуғулланувчи корхонлар.

БМИнинг предмети; бозор иқтисодиёти шароитида Қўрғонтепа тумани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни.

БМИнинг назарий ва услубий асослари; Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари,

И.А.Каримов асарлари, ватанимиз ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ва мақолалари.

БМИнинг структуравий тузилиши; кириш, 3 та боб, 8 та параграф, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати, иловалар ва та жадвалдан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганганлик даражаси асосланган, унинг мақсади, вазифалари ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи боби “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари” деб номланиб, унда кичик бизнес ва тадбиркорликни ташкил этишнинг назарий асослари кўриб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи боби “Қўрғонтепа туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари” деб номланган бўлиб, бу борада асосий эътибор қуйидагиларга қаратилган. Қўрғонтепа туманининг ижтимоий -иқтисодий ҳолатига баҳо берилган, кичик бизнесни ривожлантириш омиллари, хусусий тадбиркорлик инфратузилмаси ва уни ривожлантириш бўйича таҳлиллар амалга оширилган.

“Хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш йўналишлари “ битирув малакавий ишининг учинчи боби бўлиб, бу бобда асосий эътибор хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб қувватлашнинг хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланишланиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш чора-тадбирларига қаратилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида изланиш натижасида эришилган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар берилган.

1 БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва афзалликлари.

Тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий ходисадир. У ўз ичига ижтимоий муносабатларни камраб олган. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Мазмуни ва моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатади.

Жаҳон тажрибаси гувоҳлик беришича, давлат ўзининг турли хил кўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш воситаларини кенг миқёсда татбиқ этиш орқали бу соҳанинг ривожланишини таъминлаш билан тадбиркорлик ва рақобат муҳитини барқарорлаштиради, аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаини ошириш билан унинг ижтимоий фаровонлигини таъминлайди, давлат ва маҳаллий бюджетлар тушумларини кўпайтиради, шунингдек мулкдорлар синфини кенгайтириш билан келгусида яна йирик бизнес ривожланишига имкон яратади. Ҳозирги кунда дунё миқёсида, айниқса ривожланган мамлакатларда кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривож топиб бораётганлиги натижасида тадбиркорликнинг асосий ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан, яъни аҳолининг кенг қатламини иш билан банд этиш ва бу орқали даромадлари манбаини ошириш вазифасидан янада кучлироқ фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Ислоннинг асосий манбаи -“Қуръони карим” бўлиб, унинг 293-оятида иқтисодий тафаккур ҳақида гап боради. “Қуръони карим” инсонларни ҳалол меҳнат қилишга, тежамли бўлишга, меҳру шафқатга, ҳалолликка ундайди. Шу билан бирга у инсонларни барча моддий неъматлардан, ресурслардан унумли фойдаланишга, ҳар қандай иқтисодий ҳисобланган мулкчиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Исломда мулк тушунчаси, унинг моҳияти одамлар қўлидаги бойлик - бу Оллоҳнинг бойлиги, одамлар эса фақат унинг ердаги бошқарувчилари эканлигини тан олишдан иборат.³

³А.Р.Холикулов. ,С.А.Нуриддинов .Бозор иқтисодиети шароитида тадбиркорлик асослари ва чет эл тажрибаси. Т. Хазина 1994.

Буюк алломаларимиз Имом Муслим бин Ал - Ҳажжож, Имом Абу Давуд-Абу Исо ат-Термизий Имом Малик бин Аноса, Имом Исмоил Ал-Бухорийларнинг олдинги асрлардан қолдирган буюк илмий меросларида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш борасида қимматбаҳо ғоялар илгари сурилган.

XVI асрлардан бошлаб иқтисодчилар, рухшунослар ва сиёсатшуносларни тадбиркорлик тушунчаси ўзига жалб қила бошлади. Тадбиркорлик илмининг асосчилари деб Ж.Б.Сей, А.Маршалл, В.Зомбрамб, Й.Шумпетер, Ф.Нойтлар каби буюк алломаларни санаб ўтсак хато қилмаган бўламиз.

Биринчи бўлиб тадбиркорлик тушунчасини XVIII асрнинг бошида иқтисодий тушунча сифатида инглиз иқтисодчиси Р.Контильон киритган. У тадбиркорни фойда олиши чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб олади-ю, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у таваккалчи, таклифни талабга мословчи, деб баҳолайди.⁴ Жон Батист Сей тадбиркорни воситачи, ишлаб чиқариш омилларининг координатори, тажриба ва билим эгаси, деб таърифлайди.⁵ Зомбарт эса тадбиркорликдаги таваккалчилик фақат сиёсат, савдодагина бўлмай, бошқа соҳаларга ҳам хос деб, уларни қароқчилар ва босқинчиларга тенглаштиради. Шумпетерни эса, тадбиркорликнинг 5 муҳим томонини; истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариши; янги ишлаб чиқариш воситаларини қўллаш ва мавжуд товарларнинг тижорийлигини таъминлаши; янги товарларни ўзлаштириш; тармоқни такомиллаштирилишини кўрсатиб беради. Тадбиркор мулкдор бўлиши шарт эмас, у ёлланувчи бўлиши ҳам мумкин. Тадбиркор янги комбинацияларни амалга оширувчи шахсдир, деб таъкидлайди.⁶

Ҳозирги даврга келиб тадбиркорнинг фаолият доираси мазмунан ва сифат жиҳатидан ҳам ўзгарди. Энди у маҳсулотни қачон, қанча, қаерга, қим

⁴ Ройзберг В.Г. Основы бизнеса.: Учебник. – М.: Маркет ДС, 2003 г

⁵ Ўша асар

⁶ Шумпетер И. Теория экономического развития: Исследование предпринимательской прибыли, капитала кредита, процента и цикла конъюнктуры. М.:Прогрес 1982


учун ишлаб чиқариши керак деган масалаларни мустақил ҳал этувчига айланди. Бундан ташқари, қанча миқдорда ишлаб чиқариш ресурслари зарурлигини аниқлайди, улардан оқилона фойдаланиш ҳисобига юқори фойда олишга ҳаракат қилади. Олинган даромадлар эвазига давлат бюджети тўловларини тўлаш ва фаолиятини янада юксалтиришни бош мақсад деб ҳисоблайди.

Тадбиркор –ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағини таваккал қилган ҳолда бозорга янги ғоя, маҳсулот ва ишлар билан кириб боровчи шахсдир.

Шунинг учун ҳам, хусусий тадбиркорлик субъектларининг янгидан-янги майда шакллари ривожлантириб боришда. Унинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди;
- кичик бизнеснинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат ҳаражатлари билан амалга оширишидадир;
- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт ҳаражатлари иқтисод қилиниши эвазига кам ҳаражатлидирлар;
- кичик корхоналарда меҳнат сарфи кам, моддий мафаатдорлик юқори;
- ишловчиларнинг кам сонлиги, уларнинг ҳар бири қобилиятининг енгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;
- иш ҳақи ҳаражатлари, асбоб-ускуналар учун инвестиция ҳаражатлари нисбатан кам бўлади;
- зарур бўлса ўз ишини осон бошқаларга сотиш ва фойда кўриш мумкин;
- бир қанча касбларни бирга қўшиб олиб бориш мумкин (молиячи, менежер ва бошқ.)

Шунингдек, ташқи ўзгаришларга янада мослашувчанлиги, динамик тарзда ривожланиши, камҳаржлиги, хусусан, катта миқдордаги молиявий маблағларни жалб қилмаслиги, бандлик даражасини таъминлаши ва тадбиркорлик иқлимини мустаҳкамлаши каби хусусиятларга эгаллиги билан муҳим аҳамият касб этади.



1.1.1-чизма. Тадбиркорлик меҳнати турлари таснифи


Манба: Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, В.А. Швандара. – 2-е изд., пререб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

Хусусий тадбиркорлик субъектлари технологиялар, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш борасидаги янгиликларни тезда қабул қилади ва уларга мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил этади. Маълумотларга қараганда, АҚШда хусусий тадбиркорликка катта фирмаларга қараганда ҳар бир ишловчи ҳисобига янгиликларни икки баробар кўпроқ жорий этилмоқда. Одатда, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўз имкониятлари ва ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиққан ҳолда кичик ҳажмда фойдаланиладиган янги технологияларга буюртма беришмайди. Кичик корхоналар бўлса бунинг акси бўлиб, улар ўз фаолиятини айнан ўша технологиялардан фойдаланиш асосида амалга оширадилар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, катта ҳажмдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган технологик воситаларни анча вақт ва маблағ талаб қилади.

Бироқ, бозор иқтисодиётидаги кескин ўзгаришлар ҳар қандай ишлаб чиқарувчидан ҳамиша вақт мезони бўйича олға юришни талаб қилади. Кичик ҳажмдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги технологиларни яратиш ва ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар иккала жиҳатдан ҳам камсарфлиги бозор талабидаги янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни ўз вақтида истеъмолчиларга етказишни таъминлайди. Табиийки, бунда шундай технологияларни тезда ўзлаштира оладиган ва улар асосида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини қисқа муддат ичида қайта қура оладиган кичик бизнес субъектларининг аҳамияти бениҳоя даражада каттадир. Жаҳон амалиёти гувоҳлик беришича, бугунги кунга келиб, фан-техника тараққиёти ва истеъмолчи талабининг янада тўлиқ қондирилиши кўп жиҳатдан кичик бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. Янгиликлар (инновациялар) нинг юқори суръатларда жорий этилиши, технологик ўзгаришларнинг тезкорлиги, хизмат кўрсатиш ва иш билан бандлик соҳаларининг жадал суръатларда ўсиши ҳамда товар хизматларнинг баҳолари ўртасида кучли рақобат кабилар бир томондан, улар баҳоларининг пасайишига олиб келса, бошқа томондан, истеъмолчиларнинг юқори сифатли маҳсулот ва хизматларга эга бўлиш имкониятларига, шунингдек, давлатга солиқ тушумлари шаклида кўплаб маблағларнинг жалб этилишига олиб келади. Буларнинг барчаси кичик корхоналарнинг жамият ижтимоий-иқтисодий муҳим эканлигини белгилаб беради.

Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари мазмунан бир-бирига яқин. У кишиларнинг ишбилармонлик фаолиятидан келиб чиққан муносабат бўлиб, бирон бир унумли иш, фаолият билан боғлиқликни англатади.

Бизнес – бу инглизча сўздан олинган бўлиб, бизнес- иш, мен – одам деган маънони англатади. Бизнес билан боғлиқ шахс бизнесмен дейилади. Тадбиркорлик (бизнес), иқтисодий категория бўлиб, хўжалик юритиш усули, иқтисодий фикрлаш туридир.



1.1.2-чизма. Хусусий тадбиркорлик меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари

Манба: Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2003.

Бизнес (business) – инглизча сўз бўлиб, умумиқтисодий атама сифатида хўжалик субъекти иқтисодий қизиқишларидан иборат фаолият доирасини ифодалайди ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан иборат фойдали маҳсулотлар яратиш ҳамда хизматлар кўрсатиш тизимидан иборатдир.

Тадбиркорлик фаолияти натижалари хусусий мулк ва мулкчилик муносабатларининг шаклланиши билан юзага келиб, тараққий этган бўлсада, унинг том маънодаги моҳияти замонавий бизнеснинг қарор топишида иқтисодий эркинлик асосида тадбиркорлик олиб боришда яққол намоён бўлади.

Бизнес-бу фойда олиш билан боғлиқ бўлган унумли фаолият ёки шахсий фойда (даромад) топиш борасидаги жараёнлар тўплами. Бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар бизнесменлар ёки ишбилармон тадбиркорлар деб юритилади.

Тадбиркорлик объекти деганда, маълум бир фаолияти ; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги тадбиркорлик, савдо-сотиқ тадбиркорлиги, молия соҳасидаги тадбиркорлик тушунилади. Тадбиркорликда ишлаб чиқарилган товарлар шунга яраша даромадга моддийлашади. Даромад тадбиркорлик фаолиятини баҳолайдиган асосий

мезон ҳисобланиб, у фаолиятнинг барча омилларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Тадбиркорлик даставвал маълум бир соҳада фаолият кўрсатиш имконини белгилаш учун керак бўлса, сўнгра бундай ресурсларнинг янги комбинациялари тадбиркор учун ўта зарур бўлиб қолади. Кўриниб турибдики, реал ҳолатда тадбиркорликнинг объекти ресурслар комбинациясини амалга оширишдан иборат экан.

Тадбиркорлик шакллари орасида қуйидаги умумийликлар мавжуд:

Мулкӣ муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш	Тадбиркорликнинг муҳим белгилари	Иқтисодий эркинлик
Фойда олишга интилиш		Тижорат сирига эга бўлиш
Рақобат курашида қатнашиш		Имиджга эга бўлиш
Иқтисодий ҳатти ҳаракатлар учун маъсулиятни ўз зиммасига олиш		

1.1.3-чизма. Тадбиркорликнинг муҳим белгилари.

Манба: Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. Т.: 2010.

Тадбиркорнинг маҳсулотлари қачонки бозор механизмини таъминласа, бозорда ўз ўрнини топса, ишлаб чиқараётган товар ва маҳсулотларига талаб бўлса, ушбу жараёни тадбиркорликнинг мустақиллиги ва эркинлиги деб айтишимиз мумкин. Тадбиркорликнинг мустақиллиги билан иқтисодий манфаатдорлиги узвий боғланган. Даромадни, фойдани юқори даражага етказиш тадбиркорлик фаолияти мезонидир. Шунинг учун стратегия шунга қаратилади.

Тадбиркорлик доимий хавф-хатарда бўлади. Сабаби тадбиркор таваккал қилади ҳамда рақобат курашида иштирок этади. Жавобгарлик бу маъсулиятни хис этиш имкоиятдан онгли ва оқилона фойдаланиш ҳамда бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш гаровидир.

Тадбиркорликни биз тараққий этиш нуқтаи назаридан учга бўлишимиз мумкин: ривожланган, ривожланаётган ва ривожланмаган тадбиркорлик.

Ўтиш даври учун ривожланаётган тадбиркорлик хос бўлса, тараққий этган давлатларга ривожланган тадбиркорлик хосдир. Айрим мамлакатлар тараққиёти даражасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, уларда ривожланмаган тадбиркорлик ҳам мавжуддир.

Бозор иқтисоди жараёнини тадқиқ қилишда ватанимиз ва хорижий давлат олимлари тадбиркорлик ва бизнесни иқтисодий фаолиятнинг бир тури деб қараб, бу тушунчалар хусусий шахслар, корхона ташкилотлар томонидан даромад олиш мақсадида ўзининг ва шартномадаги шерикларининг манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш, товар сотиб олиш ва сотиш ёки бошқа товарлар, хизматларга ёки пулга айирбошлаш каби эркин хўжалик юритиш фаолиятини билдиради, деб ҳисоблайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва уни турли соҳаларда амалга оширилади.

“Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга асосан, тадбиркорлик-фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолият бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахснинг мулкӣ жавобгарлиги асосида амалга оширилади⁷.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда давлатнинг йирик ишлаб чиқаришни ривожлантиришни молиялаштириш қобиляти пастлиги, иқтисодиёт монополлашувининг юқори даражадалиги ва ички бозорнинг маҳаллий товарлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги каби камчиликлар хусусий тадбиркорлик тизимини имкон қадар кенгайтириш билан улао ўртасидаги, шунингдек улар билан монопол ишлаб чиқарувчилар ва хорижий тадбиркорлик субъектлари

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. 2000 йил 25 май.

ўртасидаги рақобат муҳитини ривожлантириш заруриятини юзага келтирмоқда.”⁸

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантиришнинг зарур меъёрий-қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, уларни самарали амалга ошириш механизми шакллана бошлади ва уни давлат томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш тизими вужудга келтирилди. Президент И.А.Каримовнинг бевосита ташаббуси билан бошланган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг олти устувор йўналишидан бири қилиб кичик бизнес соҳасини эркинлаштириш вазифаси белгилаб олинди.

Шундай қилиб тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағига ёки молиявий ресурсларга эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини ташкил қилиш учун ишга солади. Унинг томонидан бунёд этилган фирма давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айтилади.

⁸ Бекмуродов А.Ш., Сатторов С. “Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида”, 3 – қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини – давр талаби. - Т.: ТДИУ, 2005, 6-бет.

1.2. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асослари.

Бизнесни давлатга ишончини ошириш унинг барқарор ривожини омилидир. Бу эса тадбиркор фаолияти эркинлигини, унинг маблағлари хавфсизлигини кафолатлаш билан бўлади. Тадбиркорлик муҳитига баҳо беришда иқтисодий омиллардан олдин мавжуд ҳуқуқий меъёрларга эътибор қаратилади, чунки давлатда ўрнатилган қонунчилик тадбиркорликлар фойдасига бўлса, иқтисодий омиллар ишга тушиб самара беради.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўйидаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар доирасида фаолият юритади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида” (ЎзР Президентининг Фармони, 15.03.1994й.), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида” (ЎзР Қонуни, 21.12.1995й.), “Хусусий тадбиркорликда рағбат кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” (ЎзР Президентининг Фармони, 05.01.1995й.), “Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” (ЎзР ВМ, 347 сонли Қарори, 22.08.2001й.). Тадбиркорликка, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бағишланган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда етарли миқдорда қабул қилинган. Айниқса, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (ЎзР Қонуни, 25.05.2000й.) Қонунни бу борадаги энг катта бурилишдир.

Президентимиз ўз маърузасида “Ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш

ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича чоратadbирларни кучайтириши шарт”- дея таъкидлаб ўтди.⁹

Шунингдек, “Тadbиркорлик субъектлари – фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида” (ЎЗР ВМ 11.03.2003й. 129 – сон Қарори), “Тadbиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида” (ЎЗР ВМ 05.11.2002й. 380 – сонли Қарори), “Тadbиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида” (ЎЗР ВМ 04.06.2002й. 197 – сонли Қарори), “Кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика муофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида” (ЎЗР ВМ 17.02.2000й. 57 – сонли Қарори), “Хусусий тadbиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” (ЎЗР Президентинин 05.01.1995й. ПФ-1030-сон Фармони).

Бизнесни ташкил қилишнинг энг оддий шакли бу хусусий тadbиркорлик бўлиб, бунда жисмоний шахс томонидан тadbиркорлик фаолиятини юритилиши тушунилади.

Хусусий тadbиркорлик - хўжалик юритишнинг шундай ҳуқуқий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва фаолиятдан келган даромадни (турли тўлов ва солиқлар тўланганидан кейин) ҳаммасига эгалик қилади, қолаверса бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун якка ўзи жавоб беради. Тadbиркорликнинг ушбу шакли чакана савдода, умумий овкатланиш ва маслаҳат соҳасидаги бизнесда, маиший хизматда, фермерчиликда, тиббиётчилик амалиётида ва хунармандчиликда кўпроқ учрайди. Хусусий тadbиркорлик: юридик шахс ташкил қилмасдан; мустақил равишда, ишчиларни ёллаш ҳуқуқисиз; тadbиркорга тегишли мулк асосида юритилади. Хусусий тadbиркорликнинг ҳозирги кундаги оммавий шаклидан

⁹Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” “Халқ сўзи” – 2010 й. 30 январь. №21

бири-халк истеъмол товарларини импорти ва савдоси билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ("челноклар") юридик шахс ташкил қилмай экспорт-импорт операцияларини, улгуржа ва чакана савдони амалга оширувчилар сифатида рўйхатдан ўтадилар. Хусусий тадбиркорликни қуйидаги турлари мавжуд: шахсий тадбиркорлик (битта фуқаро); қўшма тадбиркорлик. Ўз навбатида қўшма тадбиркорлик оилавий тадбиркорлик, юридик шахс ташкил қилмаган деҳқон хўжалиги, оддий ширкатлар (қўшма хўжалик юритиш ҳақидаги шартномага асосланган) шаклида амал қилиши мумкин.

Хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари:

- биринчидан, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун рухсат олиш хўжалик ширкатларига нисбатан соддалаштирилган, яъни хусусий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши мумкин. Бунда хусусий тадбиркор банкда ҳисоб раками очиши ва оз ҳамкорлари билан нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириши мумкин.

- икинчидан, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилади. Бундан ташқари, тўла мустақиллик ҳаракатдаги эркинлик ва тезкорлик, барча фойда фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва у кўпроқ ишлашга рағбатлантиради.

Хусусий тадбиркорликнинг камчиликлари:

- кредитлаш имкониятларинг чекланганлиги (микро ва кичик корхоналар катта ҳажмдаги кредитлар олиши мумкин);

- заиф молиявий пойдеворга эгаллиги, барча хўжалик фаолияти учун ўзининг бор мулки билан жавобгарлиги;

- фаолиятни кенгайтириш имкониятларини чекланганлиги.

Юқорида келтирган камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар мол-мулки, касб ёки капиталларини қўшиб бирлашадилар.

Ўз бизнесига эга бўлишни истаган тадбиркор нима билан шуғулланиши, қайси ташкилий-ҳуқуқий кўринишда ўз мақсадини ҳаётга тадбиқ этиш ҳақида тасаввур қилиши керак. Ўз мақсадини амалга оширишда юридик шахс мақомини олиш ёки чекланган ҳуқуқларга эга фирмани ташкил

етиш тўғрисида қарор қабул қилиш муҳим рол ўйнайди. Кичик бизнес микрофирмалар, кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик, хиссадорлик (акционерлик) жамияти, холдинг, оффшор, консалтинг бирлашма ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий кўринишларда фаолият кўрсатади.

«Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмалари учун, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъий назар, умумий бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ажратиб кўррсатиш мумкин. Бу қонунга асосан ҳар қандай ишбилармонлик субъекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мамлакат қонунлари, Олий кенгаш қарорлари ва давлат бошқарув органлари ҳужжатлари билан маън этилмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш;

- қонунга қарши бўлмаган ҳар қандай корхона ёки ташкилот бунёд этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун шартнома асосида бегона фуқароларни, корхона, ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани, пул воситаларини ва баъзи бир мулкка бўлган ҳуқуқларини жалб этиш;

- қонуний йўл билан қўлга киритилган мулк билан бегона хўжалик субъектларининг фаолиятида иштирок этиш;

- республикадаги жорий қонунлар ва тузилган шартномалар асосида ўзининг хўжалик дастурини мустақил шакллантириш; ўз маҳсулоти учун истеъмолчи ва таъминотчини мустақил танлаш, кўрсатадиган ҳизматига таъриф ва маҳсулотига нархларни мустақил белгилаш;

- ишловчиларни амалдаги қонун ва меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

- ёллаган шахслар учун меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа даромад турлари шакллари, таркибини ва миқдорини белгилаш;

- ўзининг пул воситаларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит операцияларини бажариш учун банкларда ҳисоб рақамларини очиш;

- ишбилармонлик фаолиятдан келган даромаднинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан қолган қисмини ўз хоҳиши бўйича ишлатиш;

-чекланмаган миқдорда ҳар қандай шахсий даромад олиш;

-давлат таъминоти ва ижтимоий суғурта тизимидан фойдаланиш;

-судда, арбитражда ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиш;

-хорижий валюта сотиб олиш ва жорий қонунлар асосида ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга ошириш.

Ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жамият ва республика олдидаги ҳамда ёлланган ишловчилар ва хўжаликдаги шериклари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига узвий боғлиқдир.

Тадбиркорларнинг мажбуриятлари қуйидагилар:

-амалдаги қонун ва тузилган шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

-ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш қонун асосида жамоа шартномасини тузиш. Ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига бирлашишларига тўсқинлик қилиши мумкин эмас;

-меҳнат шартномаларида ишловчиларга белгиланган малака даражасини, республика ҳукумати томонидан белгиланган минимал иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатларни инобатга олиш;

-давлат ижтимоий-суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;

-амалдаги фойда ва йўриқномалар асосида атроф муҳит хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси ва маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

-ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар, шартнома асосида ишга жалб этилган барча ишчи-ҳизматчилар билан ҳисоб –китоб қилиш.

Қонун ҳужжатларида баён этилишича давлат томонидан тадбиркорларга қуйидагилар кафолатланади:

-фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, корхона бунёд этиш ва бунинг учун зарурий мулк сотиб олиш ҳуқуқлари;

-амалдаги қонунчилик ва шартномалар асосида барча тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

-тадбиркорлик фаолиятининг илмий-техникавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;

-тадбиркорлик хавф-хатари ва таваккалчилигини суғурта қилиш;

-тадбиркорлар билан шартнома тузилгандан сўнг улар фаолиятига шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, мулк эгасининг ва ҳар қандай учинчи шахснинг аралашиши маън этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги низомида тадбиркорлик субъектларини айна пайтда давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят адлия бошқармаларида, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги “Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари”да давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини белгилайди.¹⁰

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Тадбиркорлик субъектининг Устави, масъулияти чекланган ва қўшимча мажбуриятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса фақат таъсис шартномаси тадбиркорлик

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган № 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Низоми.

субъекти – юридик шахс томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжати ҳисобланади. Муассислардан бири томонидан тегишли бинони (шу жумладан турар жойни) тадбиркорлик субъектининг почта манзили сифатида фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (мулкчилик ҳуқуқига бўлган далолатнома, бинони сотиб олишга, ижарага олишга шартнома ёки ижарага берувчининг бино ижараси тўғрисидаги кафолат хати, шунингдек яшаш жойидан берилган маълумотнома) тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фирма номи тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун тадбиркорлик субъекти муассиси туман (шаҳар) статистика органларига мурожаат қилади. Аризани кўриб чиқиш ва фирма номи тўғрисидаги гувоҳномани ёки шунга ўхшаш фирма номи мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни бериш муддати уч иш кунига ошмаслиги керак. Фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома ёки шунга ўхшаш фирма номи мавжудлиги тўғрисида ахборот берилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташкилий –ҳуқуқий шаклларига : якка тадбиркорлик, тўла ўртоқлик, маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулияти жамият, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, ижтимоий диний ташкилотлар, фондлар, ассоциация ва иттифоқлар қиради.

Бизнес қоидаларини ишлаб чиқиш, назорат қилиш билан шуғулланувчи давлат муассасалари ва ундаги меҳнат жамоалари тадбиркорлик субъектлари бўла олмайди.

Қуйида келтирилган жадвалда тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига тавсифнома берилган.(1.2.1-чизма).

№	Ташкилий ҳуқуқий шакл	Таъсисчилар	Мулкни ташкил этиш манбалари	Мажбурият юзасидан жавобгарлик	Қўшимча маълумотлар
1	2	3	4	5	6
1	Якка тадбиркорлик	Республика фуқоролари	Шахсий ва давлат тасарруфидан хусусий лаштириш орқали сотиб олинган мулк	Барча тегишли мулк	Якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш
2	Тўла ўртоқлик	Якка тадбиркорлар ёки тижорат-воситачилик корхоналари	Ижтимоқчилар жамғармаси	Қатнашчиларнинг ўз мулкларига нисбатан хоҳиший жавобгарлиги	Таъсис шартномаси асосида ташкил этилади. Қатнашчилар жамғармалари бир шахсдан иккинчи шахсга ёки учинчи шахсга қатнашчилар розилиги билан ўтиши мумкин
3	Ишонч асосида ўртоқлик	Тўла ўртоқлар-якка тадбиркорлар ва тижорат корхоналари	Қатнашчилар жамғармалари	Тўла ўртоқлар-барча ўзининг мулк доирасида	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган тўла ўртоқлардан ташкил топади. Таъсис шартномаси асосида ташкил этилади ва ҳаракат қилади. Шартнома тўла ўртоқлар розилиги билан имзоланади
4	Маъсулияти чекланган жамият	Фуқаролар ва юридик шахслар	Қатнашчилар жамғармаси	Жамият мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Ўз жамғармалари доирасида жавоб беради	Низом ва таъсис шартномаси асосида ташкил этилади ҳамда иш юритади
5	Қўшимча маъсулиятли жамият	Фуқаролар ва юридик шахслар	Қатнашчилар жамғармаси	Қатнашчилар ўз жамғармасига нисбатан бирлашган субсидияланган жавобгарлиги	Низом ва таъсис шартномаси асосида ташкил этилади ҳамда иш юритади
6	Очиқ турдаги ҳиссдорлик жамияти	Фуқаролар ва юридик шахслар	Эркин савдо шаклида акциялар сотишдан олинган тушум	Барча акция эгалари ўз жамғармаси доирасида жавобгар	Низом асосида ҳаракат қилади. Қатнашчилар зарур ҳолатларда шериклар рухсатисиз акцияларни эркин сотишлари мумкин

7	Ёпиқ турдаги хиссдорлик жамияти	Фуқаролар ва юридик шахслар	Ўз акцияларини таъсисчилар орасидан тарқатиш эвазига	Барча акциядорлар жамғармаси орасида	Низом асосида ҳаракат қилади. Қатнашчилар улуши бир томондан иккинчи томонга, қолган иштирокчилари розилиги билан ўтади
8	“Тобе” хўжалик жамияти	АО, МУЖ ва КМЖ	Қатнашчилар жамғармаси. Асосий қатнашчи жамғармаси 20% дан ортиқ бўлиши керак	Барча қатнашчилар ўз жамғармалари доирасида	Низом ва таъсис шартномаси асосида ҳаракат қилади
9	Ишлаб чиқариш кооперативлари	Фуқаролар ва юридик шахслар	Қатнашчилар жамғармаси	Кооперативлар ҳақидаги қонун ва кооператив низомида кўрсатилган тартиб ва миқдорда субсидияланган жавобгарлик	Низом асосида иш юритади
10	Ижтимоий ва диний ташкилотлар	Фуқаролар	Қатнашчилар аъзолик бадаллари	Қатнашчилар ташкилот мажбурияти юзасидан жавобгаро эмас. Шу жумладан, ташкилот ҳам аъзолар мажбурияти юзасидан жавобгар ҳисобланмайди	Тижорат корхонаси ҳисобланмайди. Низом асосида иш кўради.
11	Фондлар	Фуқаролар ва жисмоний шахслар	Қатнашчилар аъзолик бадаллари	Қатнашчилар ташкилот мажбурияти юзасидан жавобгаро эмас. Шу жумладан, ташкилот ҳам аъзолар мажбурияти юзасидан жавобгар ҳисобланмайди	Тижорат корхонаси ҳисобланмайди. Низом асосида иш кўради.
12	Иттифок ва ассоциация	Тижорат ва нотижорат ташкилотлар	Қатнашчилар жамғармаси	Ассоциация барча аъзолар мажбуриятига жавоб бермайди	Иттифок ва ассоциация аъзолари ўз мустақиллигини ва юридик шахс мақомини сақлаб қолади. Низом, таъсис шартномаси асосида ташкил этилади ва иш юритади

1.2.1-чизма. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тавсифи

Ҳозирги кунда тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири сифатида хусусий корхона эътироф этилмоқда.

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб аталади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол – мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириш, мажбуриятларни бажариш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

1.3. Кичик бизнес субъектларининг фаолият кўрсатиш механизми.

Бозор иқтисодиётида хўжалик фаолиятининг асосий субъектлари бўлиб уй хўжаликлари, бизнес ташкилотлари ва давлат ҳисобланади. Бундай тақсимот ўз негизида инсонларнинг иқтисодий фаоллигининг икки соҳасини акс эттиради. Уй хўжаликлари –бу иқтисодиётнинг истеъмол соҳасини умумлаштирилган элементи. Унинг асосий иқтисодий вазифаси бизнес ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилишдан иботрат. Истеъмол тармоғининг тузилмавий бирлиги сифатида алоҳида яшовчи ёки мамлакатнинг бутун аҳолисини эмас, балки уй хўжалигини танлаш ҳаёт шаклининг ва инсонлар истеъмоли тузилмасининг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Алоҳида хўжалик юритаётган, ўртача қўшма мулкка эга бўлган, умумий фойда оладиган ва ҳаражатавларнинг ўртача барқарор тузилмасига эга бўлган, ўртача оиланинг иқтисодий шакли, жамиятнинг иқтисодий ҳаётини ёритишда қулай ва тузилмавий бирлик бўлиб ҳисобланади.

Бизнес ташкилотлари ва ҳукумат институтлари инсон фаолиятининг иқтисодиёт соҳасидаги иккинчи муҳим тармоғи – кишиларнинг ишбилармонлик фаоллиги тармоғининг тузилмавий элементи ҳисобланади. Айнан ана шу фаолият натижасида уй хўжаликлари даромад оладилар.

Ҳукумат институтлари – бу асосан фойда келтирмайдиган бюджет ташкилотлари ҳисобланиб, мамлакатни бошқариш ва иқтисодиётнинг турли поғоналарида, мамлакатдан тортиб маҳаллий даражага бўлган ҳолда тартибга солиш вазифаларини бажариб келади.

Бизнес ташкилотлари, бу асосан турли хўжалик шаклига эга хусусий фирмалардан то йирик хиссадорлик жамиятларигача бўлган бозор субъектидир.

Бизнес – бу фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятнинг исталган тури бўлиб, шахсий пул воситаларини ёки бу фаолиятда ўз капиталини қўйиш билан билвосита иштирок этишни тақозо этадиган

жараёндир. Бу маънода давлат идорасида хизматчи бўлиб ишлаш, ёки компанияда ёлланиш орқали ишлаш бизнес эмас, балки компания акцияларининг соҳиби бўлиш, ёки хусусий ёқилғи қуйиш шоҳобчасида ишлаш – бизнес ҳисобланади. Бизнес ташкилотларининг асосий вазифаси – уй хўжаликлари ва давлат учун зарур бўлган товар ва хизматлар массасини ишлаб чиқариш, яъни миллатни барча хусусий ва жамоат эҳтиёжларини қондиришдир.

Барча товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида жамият ўзида мавжуд неъматлардан фойдаланади. Бунинг товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қатнашадиган неъматлар эса вақт ва фазода чегаралангандир. Бундан эса шу нарса келиб чиқадики, барча неъматлар ноёбдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамият олдида ноёб неъматларни тақсимлаш муаммоси туради. Неъматларнинг ноёблиги деганда – иқтисодий субъектлардаги мавжуд неъматлар захирасининг шу неъматларга эҳтиёж сезган харидорларнинг талабларини етарли даражада қондира олмаслиги тушунилади. Неъматлар ноёблиги - бирор товар ёки ресурс ҳажмининг маълум вақт оралиғида чегараланганлигидир. Шунинг учун ҳам неъмат ноёблиги, неъматнинг физик нуктаи назардан чегараланганлигидан фарқ қилиб, у нисбийдир, яъни неъматнинг ҳажми ҳозирги вақтда унга бўлган талабни қондириш учун етарли эмас.

Ноёб неъматларни икки турга бўлиш мумкин: ишлаб чиқариш ва улар асосида ишлаб чиқариладиган истеъмол неъматлар.

Ишлаб чиқариш ресурсларини такрор ишлаб чиқарилиши бўйича ҳам икки турга бўлиш мумкин: такрор ишлаб чиқариладиган ишлаб чиқариш ресурслари (бунга қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта, дон ва бошқа маҳсулотларни мисол сифатида келтириш мумкин, улар ҳар йили такрор ишлаб чиқарилади: худди шундай меҳнат ресурслари ҳам такрор ишлаб чиқарилади), такрор ишлаб чиқарилмайдиган, физик нуктаи назардан чегараланган ишлаб чиқариш ресурслари (фойдали қазилма бойликларни мисол сифатида темир, кўмир, олтин ва бошқаларни кўриш мумкин).

Агар неъмат ноёб бўладиган бўлса, у ҳолда чекланган неъматларни қандай қилиб иқтисодий субъектлар ўртасида рационал тақсимлашни амалга ошириш муаммоси – бу марказий иқтисодий муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ечиш учун ҳар қандай жамият қуйидаги учта иқтисодий саволга жавоб бериш керак:

1. Нима ишлаб чиқариш керак? Бу истеъмолчилар томонидан қайтадиган тескари сигналлар орқали аниқланади. Жамият аъзолари доимо ишлаб чиқарувчи субъектларни кўпроқ, арзонроқ ва сифатлироқ товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ундайдилар.
2. Қандай ишлаб чиқариш керак? Бу иқтисодиётдаги турли хил ишлаб чиқарувчи субъектларнинг рақобатлари орқали аниқланади. Ўзининг маҳсулотини жисмоний ҳажм бўйича ҳам, нархдаги ифодасида ҳам нисбатан юқори самарали бўлган ишлаб чиқариш усули, айтилиши вақтда қиммат усулларни суриб чиқарган ҳолда энг арзон ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар нархлар рақобати жараёнида ўз фойдаларини максимлаштириш орқалигина ўзларини тутиб қолишлари мумкин.
3. Кимга ишлаб чиқариш керак? Самарали хизматлар бозордаги талаб ва таклиф орқали аниқланади: иш ҳақи, ер рентаси, фойза ва фойда ҳар бир субъект даромадини, бошқа субъектлар даромадларига ва жами даромадга мос ҳолда ўстиради. Истеъмолчилар томонидан келадиган сигналлар ўз – ўзидан қандай товар ишлаб чиқаришни аниқламайди. Талабга товар таклифи қарама - қарши бўлмоғи керак. Шу йўсинда, қандай товарлар ишлаб чиқаришни аниқлашда, талабни ташкил этувчи истеъмолчилар сигналлар билан биргаликда, ишлаб чиқариш ҳаражатлари, ишлаб чиқарувчиларнинг қарорлари ва товар таклифи иштирок этади. Жамиятнинг товарни қандай ишлаб чиқаришни аниқловчи ишончли вакили бўлиб, фойдага ҳар бир товар бўйича ишлаб чиқариш ҳаражатларини энг кам омилга интилувчи шахс ва

иш юритишни самарали усулларида фойдалана олмаганда рақобат аёвсиз жазолайдиган шахс ҳисобланади.

Юқоридаги саволлардан иккитаси, яъни нима ишлаб чиқариш керак? ва қандай ишлаб чиқариш керак? деган саволлар – ресурслардан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибининг жуда кўп муқобил вариантлари мавжудлигини тақозо қилади.

Маълумки, ҳар бир вақт оралиғида жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чегараланган. Бундай чегараланганлик жамиятдаги мавжуд ресурсларнинг чегараланганлиги ҳамда бу ресурсларни фойдали неъматларга айлантирадиган технологиянинг ҳолати билан ҳамда унинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш имкониятларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш вариантларидан бирини танлаб қолганларидан воз кечишни тақозо қилади. Бошқа вариантлардан воз кечиш натижасида, биз улардан олинishi мумкин бўлган фойдадан воз кечамиз, яъни бу фойдаланилмаган имконият бўлиб, альтернатив ҳаражатларни ташкил этади.

Иқтисодий субъектлар рационал ҳаракат қилиш тамойилига кўра ўз мақсадларига эришиш учун ҳўжалик жараёнида фаол қатнашадилар, бунинг асосий моҳияти шундан иборатки, иқтисодий субъектлар берилган ресурслардан фойдаланишдан олинadиган натижаларни максималлаштиради ёки маълум натижаларни олиш учун ҳаражатларни камайтиради.

Микроиқтисодий даражада иқтисодий субъектларни иккига бўлиб қараш мумкин : истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар. Истеъмолчининг мақсади – мумкин даражада ўзининг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш бўлса, ишлаб чиқарувчиларнинг мақсади – фойдали ёки бошқа бир фаолият кўрсаткичларини максималлаштиришдан ёки минималлаштиришдан иборатдир.

Жамиятда вужудга келадиган яна бир муаммо – бу истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришдир:

- 1) ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш:

2) истеъмолчилар фаолиятини мувофиқлаштириш:

3) ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича қабул қилинган қарорларни мувофиқлаштириш:

Бу муаммо товарлар айланмаси модели ва талаб ва таклиф модели орқали таҳлил қилинади (1.3.1-чизма).



1.3.1.-чизма: Мувофиқлаштиришнинг бозор механизми.

Моделдан фойдаланишнинг афзаллиги шундан иборатки, у муаммоннинг иккинчи аражали томонларини эътиборга олмайди. Моделда икки турдаги ўзгарувчилар ишлатилади: экзоген ва эндоген. Экзоген ўзгарувчилар ташқи ўзгарувчилар бўлиб, улар олдиндан берилади ва моделга киритилади. Эндоген ўзгарувчилар модел ичида, ҳисоб китоблар асосида шаклланади.

Товарлар айланмасида иқтисодиёт икки секторга бўлинади: уй хўжаликлари ўз ресурсларини (ишчи кучи, ерни) фирмаларга сотиб даромад оладилар ва бу даромадларини фирмалардан товарлар ва хизматлар олишга ишлатадилар. Фирма ўзларининг товар ва хизматларини сотиб ундан тушган даромадни уй хўжаликларидан ресурсларни сотиб олишга ишлатадилар.

Кўриниб турибдики, ҳақиқатдан ҳам истеъмол қилиш керак, демак, нима ишлаб чиқариш керак, деган масалани уй хўжаликлари ҳал қилади. Уй хўжаликларининг бундай қарори, фирмаларнинг ишлаб чиқариш

ресурсларини тузатиш учу насос бўлиши керак. Фирмалар, ўз навбатида, ноёб ресурслардан фойдаланиш қарорларини бир-бири билан мувофиқлаштириш лозим. Ниҳоят, уй хўжаликлари истеъмол қилиш учун режалаштирилган неъматларни олишлари керак, яъни улар истеъмол қилиш бўйича қарорларни бир-бири билан мослаштириши керак бўлади.

Бозор тизимида мувофиқлаштириш масалаларини иккита бозор ҳал қилади: ишлаб чиқариш ресурслари бозори ва истеъмол неъматлари бозори.

Талаб ва таклиф модели тадбиркорлар сектори билан уй хўжаликлари сектори ўртасидаги ўзаро муносабатларни тушунтиришга хизмат қилади.

Агар бу икки сектор товарлар бозорида олди-сотди бўйича ўзаро муносабатда бўлса, талаб ва таклиф модели товар нархини ва сотиладиган товар ҳажмини аниқлайди. Агар улар ресурслар бозорида олди-сотди бўйича ўзаро муносабатда бўлсалар модел сотиладиган ресурслар нархини ва миқдорини аниқлайди.

Ҳар бир бозор ўзининг иккита қарор қабул қилувчи субъектларига эга: сотувчилар ва харидорлар. Бозорда қабул қилинадиган қарорларнинг мувофиқлиги ҳар бир неъматнинг мувозанат нархи ва мувозанат миқдори билан таъминланади. Нарх талаб ва таклиф муносабатлари натижаси сифатида, уй хўжаликлари ва фирмалар томонидан қабул қилинадиган қарорларни мувофиқлаштириш учун муҳим ахборот бўлиб ҳисобланади. Бундай ахборот бир вақтнинг ўзида жамиятдаги ноёб неъматларни тақсимлаш муаммосини ечиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, нон нархининг ошиши- харидорлар учун нонни истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида сигнал бўлса, фирмалар учун нонни ишлаб чиқаришни ошириш ва нон бозоридаги мувозанатни тиклаш тўғрисида муҳим ахборот бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф кичик бизнес билан шуғулланувчи корхоналарни фаолият олиб боришга ундайдиган механизм сифатида намоён бўлади. Агарда корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозор талабларига тўлиқ жавоб берса, демак

корхоналарнинг ушбу маҳсулотларни сотишдан оладиган даромадлари ўсиб боради ва корхона қўшимча кенгайиш имкониятларига эга бўлади. Иккинчи томондан, товарларнинг нархи ишлаб чиқарувчиларга бозорда бўладиган ўзгаришлар тўғрисида сигнал бўлиб хизмат қилади. Товарларнинг нархлари ошиши билан ишлаб чиқарувчиларда рағбат пайдо бўлади ва улар бозорга кўплаб маҳсулотлар чиқара бошлайдилар.

Ишлаб чиқариш корхоналарини фаолият кўрсатиш механизмига давлат томонидан ҳам турли хил усуллар билан таъсир этиб келинади. Улар жумласига имтиёзли солиқлар тизими, ресурслар бозорига киришнинг осонлашуви, ҳуқуқий кафолатлар, маркетинг ва ахборотлар хизматларини кўрсатиш, товарларни тўсиқларсиз бозорга киритиш, имтиёзли молиявий ресурсларни олиш ва бошқалар киради.

Умуман олганда кичик бизнес билан шуғулланувчи корхоналарнинг фаолият кўрсатиш механизми, уларнинг кўпроқ фойда олишга қизиқишларининг ортиб бориши билан белгиланади.

II БОБ. ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Қўрғонтепа туманининг ижтимоий -иқтисодий ҳолатига баҳо.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жаҳон тажрибасига караганда, барқарор иқтисодий ўсишининг асосий омили, иқтисодий конъюктуранинг ўзгаришларига тез мослаша оладиган, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб қиладиган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган хўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда.

БМТ экспертлари маълумотларига караганда дунё аҳолисининг эллик фоизидан ортиқроғи кичик бизнесда банддир.

Дунё бозорида истеъмол моллари конъюктураси ҳозирги замон шароитида ўртача ҳар тўққиз ойда ўзгариб туради. Агар шуни ҳисобга олсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётининг изчил ривожланишида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга экани яққол кўринади. Кичик бизнес бажарадиган вазифаларнинг асосийларидан бири шундан иборатки, кичик бизнес жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик таъминловчи ўрта синфни шакллантиради. Ҳар қандай жамиятда ўрта мулкдор синфи иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос ўрин тутди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини қайд этиш лозим: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди “.¹¹

Андижон вилояти қадимий. манзиллардан ҳисобланган шахри азимдир. Андижон бой тарихга эга ҳисобланади. Тарихдан ҳам маълумки, Андижон

¹¹ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.: Халқ сўзи. 2014 й 18 январь, № 13 (5943)

вилояти иқтисодий томондан ҳам анчагина ривожланган бўлиб, бу ерларлар худудидан Буюк Ипак Йўли ўтганлиги сабабли ҳам иқтисодиёти ривожланган шаҳарлардан бири бўлган. Андижон вилояти иқтисодиётининг ривожланган бўлишига нафақат тарих балки, ҳозирги кундаги Андижон вилоятининг ривожланиши ҳам ижобий натижаларга эришилган десак, муболаға бўлмайди. Худуд иқтисодиётининг ривожланиши саноат, яъни ишлаб чиқариш тармоғининг ривожланиши нафақат вилоят иқтисодиётининг балки, иқтисодиётнинг республика иқтисодиётининг ривожланишида ўзининг ижобий таъсир кучига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани 1926 йилнинг 29 сентябрда ташкил топган бўлиб, Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган. Туман ғарб-Жанубдан Қирғизистон Республикасининг Ош ва Джалалобод вилоятлари билан, Шимолий-ғарбдан Жалақудуқ ва Хўжаобод туманлари билан чегарадошдир.

Туман худуди 475,2 квадрат километр. Туман худудидан темир йўл, автотранспорт йўлларри ўтган бўлиб, бу йўллар орқали қўшни туманлар ва Қирғизистон Республикаси билан алоқа боғланган.

Аҳолиси 2014 йил 1 январ ҳолатига 193193 киши, шундан аёллар 95,5 киши ёки вилоят аҳолисининг 8 фоизи истиқомат қилади. Аҳоли зичлиги 1 кв.километрга ўртача 406,7 киши тўғри келади. Мавжуд аҳолининг 56,3 фоизи қишлоқларда ва 43,7 фоизи туман маркази ва Қорасув шаҳрида яшайди. Булар 20 дан ортиқ миллат ва элатларга мансуб кишилардир. Бунинг 90,8 фоизи ўзбек, 4,6 фоизи қирғиз, 1,2 фоизи тожик, 0,3 фоизи татар, 0,6 фоизи рус, 0,03 фоизи козок ва 2,4 фоизи бошқа миллатларни ташкил қилади.

Ташкил бўлган йили	-	1926 йил 29 сентябр
	Ўлчов бирлиги	
Худуди	кв.км	475,2
Аҳоли сони 2014 йил 1 январь ҳолатига	минг киши	193193
Шаҳар аҳолиси	киши	84,4
Қишлоқ аҳолиси	киши	108,8
Аҳоли зичлиги 1 кв.км	киши	406,7
Маҳаллалар сони	бирлик	74
Йирик саноат корхоналари сони	бирлик	2
Кичик бизнес субъектлари сони	бирлик	2703
Қўшма корхоналар сони	бирлик	3
Фермер хўжаликлари сони	бирлик	692

2.1.1-чизма. Қўрғонтепа тумани П А С П О Р Т И

Туман маъмурий маркази Қўрғонтепа шаҳри 1976 йил 28 сентябрда ташкил этилган бўлиб, туман маркази Андижон шаҳридан 36 километр узоқликда жойлашган. Туман вилоят туманлари орасида салмоқли ўринга эга. Вилоятнинг умумий ер майдонининг 11 фоизини, аҳолисининг 8 фоизини ташкил қилади.Туманда 2 та шаҳар ва 5 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 74 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ва 35 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд.

Мустақилликдан кейинги тарихан қисқа вақтда туманнинг ижтимоий – иқтисодий ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берди. Бозор муносабатларига барқарорлик таъминланди. Шу билан бирга чет эл сармоялари иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил

этилди. Уларда жакон андозалари даражасидаги ички ва ташки бозордаги ракобатбардош бўлган махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2.1.1-жадвал.

Қўрғонтепа тумани асосий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили, млрд.сўм.

№	Кўрсаткичлар номи	Й и л л а р			2013/ 2011	2013/ 2012
		2011	2012	2013		
1	Саноат махсулоти ишлаб чиқариш ҳажми	57,3	65,1	73,5	128,2	112,9
2	Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми	40,5	34,8	37,5	92,5	107,7
3	Ялпи қишлоқ хўжалиги махсулот ҳажми	156,2	193,8	242	154,9	124,8
4	Капитал қўйилмалар ҳажми	29,1	33,5	51,7	177,6	154,3
5	Чакана савдо мол айланиш ҳажми	173	239,5	242,2	140,0	101,1
6	Кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми	43,8	59	88,8	202,7	150,5

Манба: Қўрғонтепа тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида ҳисобланди

Туманда 2011-2013 йиллар давомида саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 57,3 млрд. сўмдан 73,5 млрд. сўмга етказилиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан таққослама баҳоларда 28,2 фоизни ташкил этди. Саноат корхоналари томонидан 37,5 млрд.сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 2012 йилга нисбатан 7,7 фоизга ортган. Аҳоли жон бошига халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми 194,1 минг сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 39,5 фоизни ташкил этди.

Туманда саноат корхоналари томонидан натура ҳолатида 3 минг 456 тонна калава ип, 25 минг 670 тонна ун махсулотлари ишлаб чиқарилди

Қўрғонтепа туманида аҳоли даромадлари ва харажатлари йил сайин ортиб бормоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

2.1.2 -жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичлар тахлили

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бири ги	2011 й	2012 й	2013 й	2013/ 2011,%	2013/ 2012,%
1	Аҳолининг сони	минг киши	186,9	189,8	193,2	103,3	101,7
2	Аҳолининг умумий даромадлари	млрд. сўм	278,8	326,7	407	146,0	124,5
3	Жон бошига хисобланган даромадлар	минг сўм	1491,7	1721,4	2106,8	141,2	122,3
4	Аҳолининг умумий харажатлари	млрд. сўм	273,6	316,7	394	144,0	124,4
5	Жон бошига хисобланган харажатлар	минг сўм	1463,9	1 668,7	2 039,2	139,2	122,2
6	Ўртача ойлик иш ҳақи	минг сўм	740,3	703,8	982,5	132,7	139,5

Манба: Кўрғонтепа тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида ҳисобланди.

Туманда ўртача ойлик иш ҳақи 2011 йилда 740,3 минг сўмни ташкил этган. Аҳоли пул даромадлари 278,8 млрд сўмни, пул харажатлари 273,6 млрд. сўмни ташкил этган. Аҳоли жон бошига ҳисобланган пул даромадлари 1491,7 минг сўмга ҳамда пул харажатлари 1463,9 минг сўмга тўғри келган.

Туман аҳолисининг умумий даромадлари 2013 йилда 407 млрд сўмни, умумий харажатлари 394 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Аҳоли жон бошига ҳисобланган умумий даромадлари 2106,8 минг сўмга ҳамда умумий харажатлари 2039,2 минг сўмга тўғри келмоқда.

Тахлил қилинаётган йиллар давомида ўртача ойлик иш ҳақи 982,5 минг сўмни ташкил этган, яъни 39,5 фоизга, аҳоли жон бошига даромадлар 22,3 фоизга, жон бошига харажатлар 22,2 фоизга ортган.

Туманда 2011 йилда ташқи савдо айланмаси ҳажми 3426,7 минг АҚШ долларни, шундан экспорт ҳажми 826,1 минг АҚШ долларни, импорт ҳажми 2600,6 минг АҚШ долларни ташкил этмоқда.

2.1.3 - жадвал

Ташқи савдо айланмаси тахлили, минг АҚШ долл.

№	Кўрсаткичлар номи	2011	2012	2013	2013/ 2011, %	2013/ 2012, %
	Ташқи савдо айланмаси	3426,7	1004,6	5424,7	158,3	5,4 марта
1	Экспорт	826,1	300,4	3397,4	4,1 марта	11,3 марта
2	Импорт	2600,6	704,2	2027,3	77,9	2,8 марта
3	Сальдо	-1774,5	- 403,8	1370,1	77,2	3,4 марта

Манба: Кўрғонтепа тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида ҳисобланди.

2013 йилга келиб, ташқи савдо айланмасининг ҳажми 5,4 млн. АҚШ долларни, шундан экспорт ҳажми 3,4 млн. АҚШ долларни, импорт 2 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Тахлиллар, охириги 3 йил давомида ташқи савдо айланмасини 5,4 марта, экспорт ҳажмини 11, 3 марта, импорт ҳажмини 2,8 марта ўсганлигини кўрсатади.бу жуда яхши кўрсаткич, чунки экспорт ҳажмининг ошиши ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ўсаётганлигидан далолат беради.

Туманда рўйхатга олинган қўшма корхоналар сони 4 та («Бест текс тайл интернешнл», «Қўштепа текстил», «XXI-аср ипак йўли», «Шошчинтекс») бўлиб, шундан фаолият курсатаётганлари сони 3 тани ташкил қилмоқда. 2013 йилда қўшма корхоналар томонидан 3 млрд. 993 млн.сум миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қўшма корхона томонидан ҳажми 3 млрд 993 млн. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ўтган 2012 йилга нисбатан 3,3 млрд сумга камайган. 2013 йил давомида туманга 120 минг АҚШ долари миқдорида инвестиция киритилди

2013 йилда транспорт хизмати кўрсатувчи корхона ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2,5 млн.тонна халқ хўжалиги юклари ва

21,8 млндан зиёд йўловчилар ташилди ҳамда 94,6 млн. тонна/км юк ва 219,3 млн.йўл/км йўловчи айланмаси амалга оширилди.

Капитал қўйилмалар ҳажми 51,7 млрд сўмга тенг бўлди ва ўсиш суръати ўтган 2012 йилга нисбатан 136,6 фоизни ташкил этди. Ўз кучи билан бажарилган пудрат ишлари ҳажми 37,3 млрд. сўмга тенг бўлди, 2012 йилга нисбатан 132,9 фоизни ташкил этди.

2013 йилда туманда 59,2 минг кв.метрдан зиёд уй-жойлар, 1 та (450 ўқ.ўринли) Қурилиш касб хунар коллежи реконструкция килинди.

Шунингдек 16,6 км ичимлик суви тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди, 1.4 км таббий газ тармоқлари тортилди.

Қишлоқ хўжалиги туман иқтисодиётини салмоқли қисмини ташкил қилади. Туманда жами 27,6 минг гектар ер майдони бўлиб, шундан ҳайдаладиган ерлар 21,6 минг гектарни ташкил қилди. Ерга муносабатни ўзгартириш, ундан самарали фойдаланиш, олинадиган ҳосил салмоғини ва сифатини яхшилаш тумандаги қишлоқ хўжалик ходимларининг асосий мақсадларидан бирига айланган.

Туманда 2013 йилда ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 241,7 млрд.сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 107,2 фоизни ташкил қилди.

Туманда 815 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда. 2013 йилда улар томонидан деҳқончилик маҳсулотлари ҳисобланган жами 26,3 минг тонна пахта, 76,4 минг тонна дон, 282,7 минг тонна пилла, 19,8 минг тонна картошка, 76,1 минг тонна сабзавот, 30,4 минг тонна мева, 2,7 минг тонна полиз, 7 минг тонна узум маҳсулотлари етиштирилди ҳамда чорвачилик маҳсулотларидан 8,6 минг тонна гўшт, 52,3 минг тонна сут, 28,7 млн. дона тухум маҳсулотлари олинди. 2013 йилда етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,8 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Туманда чорва хайвонлари бош сони, жумладан қорамоллар 75,8 минг бошга, шундан сигирлар 26,9 минг бошга, кўй ва эчкилар 115,9 минг бошга ва паррандалар сони 496,9 минг бошга етди.

Туман ҳудудида 413 та савдо, шундан 68 та умумий овқатланиш шаҳобчалари мавжуд. Аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш асосан хусусий савдо шаҳобчалари ва тадбиркорлар томонидан амалга оширилмоқда. 2013 йилда туман аҳолисига жами 242,2 млрд. сўмлик савдо хизмати кўрсатилган бўлса, шундан 99,8 млрд. сўми озиқ-овқат, 139,6 млрд. сўми эса ноозиқ-овқат молларини ташкил қилди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2013 йилда 88.8 млн. сўмни, маиший хизмат 11 млн. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизмат 463,9 минг сўм бўлиб, унинг 58 минг сўми маиший хизмат ҳисобига тўғри келди.

Туманда 58 та умумтаълим мактаби, 34 та мактабгача тарбия ва 4 та Давлат ихтисослашган мактаб интернат, 3 та мусиқа мактаби ҳамда 4 та болалар ва усмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Ўқув-таълим муассасаларида 24177 нафар ўқувчиларга 1906 нафар ўқитувчилар билим бермоқдалар, мактабгача тарбия муассасаларида 3400 нафар болаларга 251 нафар тарбиячилар таълим тарбия бермоқдалар.

Тумандаги 7 та коллежда 8476 нафар ўқувчига 459 нафар ўқитувчилар билим бермоқдалар.

Булардан ташқари 9 та мактабдан ташқари таълим муассасалари бўлиб, уларда 2738 нафар ўқувчилар, жумладан 4 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 1816 нафар ўқувчилар таълим олмоқдалар.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. Йил давомида тумандаги 2 та тиббиёт бирлашмаларига қарашли 2 та марказий шифохоналар, 24 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатди.

Хисобот йилида маданий-маърифий ва спорт муассасалари фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинди. Йил давомида 15 та

ахборот-ресурс марказлари, 2 та музей, 1 та кинотеатр фаолият кўрсатиб келди.

Шунингдек 1 та стадион, 2 та кураш спорт мажмуаси, 2 та сузиш хавзаси, 4 та теннис корти, 4 та болалар ва ёшлар спорт мактаби, 23 та спорт майдончаларида аҳолини спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишига шароит яратиб берилди.

Туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан тумандаги 14366 нафар нафақачиларга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Уларга бир ойда ўртача 3,9 млрд.сўм пенсия ва нафақа пуллари етказиб берилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик корхоналар имкониятлари жуда кенгдир. Ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси шунини кўрсатадики, кичик корхоналарнинг кенг мажмуисиз товар бозорининг амал қилиш мумкин эмас - кичик корхоналар мавжудлиги хўжалик комплекси тузилишини ўзгартиришга қодирдир. Кичик бизнесда бутунлай янги технологиялар яратилиб, улар кейинчалик алоҳида ишлаб чиқаришларга айланади.

Туманнинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастури Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сонини ошириш ва уларни самарали фаолиятини таъминлаш орқали ҳудудий маҳсулот улушини кўпайтириш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Туманда жами 1221 та (Дехкон фермер хўжаликларсиз) кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 97 таси кичик корхона, 1124 таси микрофирмалардир. Бундан ташқари, туманда 1394 та яқка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган.

2011 йилда 2703 та кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатаётганлар улуши 96,2 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес субъектларининг саноатдаги улуши 2011 йилда саноат маҳсулотида-10 фоиз, қишлоқ хўжалигида 98 фоиз, қишлоқ ишларида-99 фоиз, пуллик хизмат

кўрсатишда-74.8 фоизни ташкил этди. Шу йил банк кассаларига жами 70.2 млрд.сўм тушум бўлди, шу жумладан савдо тушуми 45.6 млрд сўмни ташкил этди.

2013 йилда кичик бизнес субъектларининг саноатдаги улуши саноат маҳсулотида- 45 фоиз, қишлоқ хўжалигида 99,8 фоиз, қурилиш ишларида-96 фоиз, пуллик хизмат кўрсатишда 62,9 фоизни ташкил этди. Бу йилда банк кассаларига жами 137,1 млрд.сўм тушум бўлди, шу жумладан савдо тушуми 78,9 млрд сўмни ташкил этди.

Бутун дунё тажрибаси бозор учун, яъни сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжалигининг афзаллигини кўрсатмоқда, чунки фермер хўжалигида ишлаб чиқарувчи фермернинг мақсади ва вазифаси охириги натижа билан узвий боғланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунида деҳқон хўжалигига қуйидагича таъриф берилган.

“Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, хўжаликни мустақил тарзда юритувчи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан, шу жумладан ўзи эгалик қиладиган ер участкасидан фойдаланилган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект деҳқон хўжалиги ҳисобланади”.

Деҳқон хўжалиги зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юкланади:

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- Қайта ишлаш ва сотиш;
- Табиат ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ёрдамчи хўжалик фаолиятларини ривожлантириш;
- қишлоқ жойлари аҳолисининг фойдали ишлаб чиқариш фаолиятида ҳаддан ортиқча зўр бермай тўлароқ банд бўлишини таъминлаш, хўжалик аозоларининг сиҳати, тегишли дам олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш:
- болаларни меҳнатсеварлик анъаналари, табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида ахлоқ-одобли қилиб тарбиялаш.

Хулоса қилиб айтганда, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаларини

яратишдан иборат бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этишда катта роль ўйнайди, яъни аҳолини иш билан таъминлаш, миллий бойликларини кўпайтириш ва миллат фаровонлиги учун хизмат килади.

Кичик бизнес корхоналари ташкил этилиши ва ривожланиши натижасида кўпгина монопол корхоналар тугатилиб мулкчиликнинг бошқа шаклидаги бозор талабларига жавоб бера оладиган, кам маблағ талаб киладиган ва бозорда ўз улуши учун рақобатлашадиган корхоналар вужудга келади. Бундан ташқари кичик бизнес корхоналари иқтисодиётдаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатларсиз ечишга, ички бозорни молиявий ресурслар чегараланганига қарамасдан истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирлиги билан ажралиб туради.

”Шунинг учун ҳам биз янги давлат, янги жамият қуришга киришган дастлабки кунларданоқ энергетика, ёқилғи ва ғалла мустақиллигини қўлга киритиш вазифаси билан бир қаторда, ички бозорни ўзимизда, ўз хом-ашёмиздан ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенг йўлга қўйиш вазифаларини ҳам муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олдик. Бу масаланинг ечими, биринчи галда, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхона ва тармоқларни жадал ривожлантиришни тақозо қилар эди. Айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатли ва рақобатбардош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларга эга бўлмаган ҳолда амалга ошириш зарур эди. Мана шунинг учун кичик ва ўрта корхоналарнинг, хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нечоғли беқиёс эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.”¹²

¹² И.А.Каримов, “Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш-тараққиёт гарови”, “Халқ сўзи” газетаси, 18 июль 2001 йил.

2.2. Кичик бизнесни ривожланиш ҳолати таҳлили.

Худуд иқтисодиёти ривожланишида ишлаб чиқарувчи корхоналар ўрни бекиёсдир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида турли корхоналар вужудга келиши муқаррардир.

Корхоналар қуйидаги мулклар асосида ташкил этилиши мумкин.

а) фуқаролар мулки асосида. Буларга якка тартибдаги ва оилавий корхоналарни киритиш мумкин;

б) коллектив мулки асосида. Буларга кооператив корхоналар, турли ширкат шаклдаги корхоналар, акционерлик уюшмаларига таалукли бўлган корхоналар, жамоа ташкилотлари корхоналари, диний ташкилотлар корхоналарини кириш мумкин;

в) давлат мулки асосида. Буларга барча давлат мулки асосида ташкил этилган корхоналар (заводлар, фабрикалар, совхозлар ва бошқалар) киради;

г) қўшма мулклар асосида. Буларга Ҳар хил мулкдаги корхоналарнинг маблағларини бирлаштириш натижасида вужудга келадиган корхоналарни киритиш мумкин. Шу турдаги корхоналарга чет эл фирмалари ҳамкорликда тузиладиган корхоналарни ҳам киритилади.

Корхоналардан ишлаб чиқаришни ташкил этиш 3 хил шаклда амалга ошиши мумкин.

1. Якка хўжалик шаклида.
2. Ҳамкорлик шаклида.
3. Корпорация шаклида.

Якка хўжалик шаклидаги корхоналар фуқаролар мулкига асосланган бўлиб, унга якка тартибдаги ва оилавий корхоналарни киритиш мумкин. Шу шаклдаги корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган барча қарорларни якка тартибда фақат мулк эгаси қабул қилади ва бутун фаолият жавобгарлиги шу одамнинг зиммасида бўлади. АҚШда шундай корхоналар 7 млн. атрофида.

Якка хўжалик афзаллиги шундаки, унда барча фаолиятни юритиш Ҳаракатлари бир киши - мулк эгаси томонидан амалга оширилади ва назорат қилинади. Унинг камчилиги капитал маблағнинг озлиги ва ишни юритишдан келадиган зарарни киши - мулк эгасининг ўзига тўғри келиши, янги технологияни жоирий қилишни мушкуллиги бўлиб ҳисобланади.

Ҳамкорлик шаклидаги ишлаб чиқаришда иккита ва ундан кўп тадбиркорларнинг фаолият олиб боришлари ва уларни биргаликда қарорлар қабул қилиб уни бажаришга барабар жавоб беришлари тушунилади.

АҚШда уларнинг сони 1 млн. дан зиёд. Якка хўжаликдан бунини афзаллиги шундаки, бу усулда капитал маблағ қисман кўпаяди, жавобгарлик ҳамма аозоларга тенг миқдорда тақсимланади. Бу шаклдаги корхоналар хорижий давлатларда кўпроқ юридик, медицина, брокерлик хизматларида ривожланган.

Корпорация - акционерлик мулк асосида ташкил этилган тадбиркорлик шакли бўлиб, унда тадбиркор мулк ва мулк эгасидан ажралган ва молиявий жавобгарлиги чекланган бўлади. Корпорациянинг афзаллиги шундаки, у акциялар чиқариб сотиш натижасида ўз капиталини доимо кўпайтириш имкониятига эга. Корпорациялар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар кўпроқ катта ҳажмдаги капитал талаб қилинган соҳаларда, йирик ишлаб чиқаришда, кўп таваккал (риск) қилишга тўғри келадиган соҳаларда кўпроқ фойда келтирар экан.

Корпорацияларда директорлар кенгаши сайланади, у ўз навбатида иш бошқарувчиларни ёллади ва улар кенгаш сиёсатини амалда тадбиқ этади. Корпорациянинг камчилиги - барча акция эгаларини корпорация фаолиятига, уни бошқаришга аралашма олмаслигида. Корпорация фаолиятини назорат қилиш учун камида 20% акцияга эга бўлиш керак. АҚШда корпорацияларни сони 2 млн.га яқин.

Кооперативлар - бирор хил фаолият юргизиш учун фуқароларнинг ихтиёрий равишда уларда мавжуд бўлган мулкни бирлаштириш натижасида вужудга келадиган ижтимоий ташкилот бўлиб ҳисобланади. Кооперативлар

фаолияти мустақиллик, ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш, кооператив аъзоларини моддий рағбатлантириш принципи асосида ташкил этилади.

Кооперативларнинг асосий вазифаси халқ хўжалиги талабини қондиришга кўмаклаштиришдан иборат. Шу мақсадни бажариш учун улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уни самарадорлигини оширишга интиладилар.

Кооперативлар икки хил типда - ишлаб чиқариш ва истеъмол йўналишида ташкил этилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги кооперативлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бирор хил ишни бажариш, пулли хизматларни амалга ошириш каби фаолиятлар билан шуғулланади.

Истеъмол йўналишидаги кооперативлар ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг савдо ва маиший хизматларига, уй-жой, дала-ҳовли, гаражлар ва шу каби хизматларга бўлган талабини қондириш учун ташкил этилади. Кооператив корхоналар таркибида бўлимлар, цехлар, фермалар, устахоналар, савдо шохобчалари бўлиши мумкин. Бу бўлинмалар коллектив, оилавий, яқка тартибдаги пудрат принципида иш олиб бориши, айрим ҳолларда ижара шаклида ташкил этилиши мумкин.

Кооперативлар мулки уни аъзоларининг пайлари, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни сотишдан келган даромадлари эвазига вужудга келади. Кооперативлар мулкани яратишда давлат, бошқа кооперативлар мулкидан ҳам шартномалар асосида фойдаланиш мумкин.

Замонавий иқтисодиётга хос хусусиятлардан бири унда ишлаб чиқариш кўламига кўра турли - йирик, ўрта ва кичик корхоналарнинг биргаликда фаолият кўрсатишидир. Амалдаги ҳуқуқий меёрларга кўра хўжалик субъектларининг кичик корхоналар жумласига киритилиши битта мезон - ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони бўйича амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонунида белгилаб берилганидек;

- кичик корхоналар жумласига ишловчилар сони саноатда ва қурилишда - 50 кишигача;

- қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида - 25 кишигача;

- фан ва илмий хизмат кўрсатишда, ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида - 10 кишигача;

- чакана савдода - 5 кишигача бўлган корхоналар киритилади.

Ўз-ўзидан равшанки, корхоналарни кичик корхоналар жумласига киритиш учун ишловчилар сонининг асос бўлиши етарли эмасдир. Чунки ишлаб чиқаришнинг механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси юқори бўлган тақдирда улар таркибига йирик электростанциялар ва бошқа корхоналар ҳам кириб қолиши мумкин.

Сўнгги йилларда республикаимиз миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ташкил этилмоқда. Шу билан кичик корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Кичик бизнеснинг туман иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан ҳарактерланади:

- кичик бизнес бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабларига мослаб тезда ишлаб чиқариш турини ўзгартириб олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;

- истеъмол соҳасида юзага келадиган бўшлиқни тезда тўлдира олиб, энг замонавий ускуналар ва технологиялардан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади;

- шундай тадбиркорлик муҳитини яратадики, у энг аввало ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги асосида қурилган бирорта ҳам бозор иқтисодиёти субъектлари буларсиз ривожлана олмайди;

- кичик бизнес бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган

кооперацияни яратади, буларсиз эса юксак самарадорликни таъминлаб бўлмайди.

2.2.1-жадвал

Қўрғонтепа тумани иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес улуши, %

№	Кўрсаткичлар номи	Й и л л а р		2013/ 2011, %
		2011	2013	
1.	Вилоят бўйича ЯХМ	56,3	57,5	102,1
	шундан , Қўрғонтепа туманида			
2	саноат маҳсулотлари	37,4	45	120,3
3	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари	97,4	99,8	102,4
4	Қурилиш ишлари	96,1	96	99,8
5	Чакана савдо айланмаси	43	52,7	122,5
6	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	73,1	62,9	86,0
7	Юк ташиш	89,6	90,5	101,0
8	Йўловчи ташиш	76,2	92,6	121,5

Манба: Андижон вилояти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Жадвал маълумотлари тахлили, Қўрғонтепа тумани иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнесни саноатда 2011 йилга нисбатан 20,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 2,4 фоизга, чакана савдо айланмасини 22,5 фоизга, йўловчи ташишни 21,5 фоизга ўсганлигини кўрсатди. Бу фикрлар яна бир бор кичик бизнесни иқтисодиётда муҳим ўринга эга эканлигини кўрсатади.

Кичик бизнесни ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Кичик бизнес субъектларини қанчалик ривожлантирадиган бўлсак, вилоятимиз иқтисодиёти ҳам шунчалик тараққий этиб боради. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишига назар соладиган бўлсак, масалан, АҚШ янги мустақилликка эришган даврида биринчи ўринда кичик корхоналар сонини оширишга, уларда аҳолининг аксарият қисмини банд қилиш тараддудида бўлган, шу билан АҚШ ўзининг барча соҳаларидаги мустақиллигига эришиб барча ривожланаётган мамлакатларга ўрناк бўлиб келмоқда.

Кичик бизнесни ривожланиш ҳолатини унинг асосий кўрсаткичларига қараб аниқлашимиз мумкин.

2.2.2-жадвал.

Кичик бизнес ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013	2013 2011	2013 2011 (%)
Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони	Бирлик	2703	2856	2991	288	110,6
Фаолият кўрсатаётган КБ субъектлари сони	Бирлик	2600	2761	2892	292	111,2
Фаолият кўрсатаётганларнинг жамидаги улуши	%	96,2	96,7	96,7	X	X
Кичик бизнес субъектларини ташкил этиш	Бирлик	159	188	155	- 4	97,4

Манба: Қўрғонтепа тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида ҳисобланди.

2.2.2 - жадвалда кичик бизнесни ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари акс этган.

2011 йилда 2703 та кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатаётган улуши 96,2 фоизни ташкил этди. 2013 йилда улар сони 2991 тага ортди.

Кичик бизнес субъектлари сонини ортишида давлат томонидан эътибор берилиши, ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий томондан қўллаб – қуватланиши сабаб бўлмоқда.

Кичик бизнесни ривожланиши иш ўринларини кўпайишига сабаб бўлади. Кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сонини ортиши бизнесда бандлик ўсишига асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, кичик бизнес субъектлари ортиши иш ўринлари сонини ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида бандлик ҳажми ошади.

Кичик бизнес субъектларни сонини кўпайтиришга мунтазам равишда чора-тадбирлар қўллаб туриш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса кичик

корхоналар кўпайиши, фаолият олиб боришлари учун шароит давлат томонидан амалга оширилади. Улар фаолият бошлашлари учун микрокредитлар ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари фоизлари ҳам камайтирилган тартибда белгиланади. Давлат томонидан берилган кўмак ва ёрдамлар мавжуд бўлсада корхона истеъмолчиларга сифатли маҳсулот ёки хизмат кўрсатмас экан унинг келажаги порлоқлигига кафолат йўқ.

2.2.3-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Рўйхатга олингани	Фаолият кўрсатаётгани	Фаолият кўрсатмаётгани
1	Жами корхоналар	1221	1137	84
	шу жумладан;			
2	Кичик корхоналар	97	94	3
3	Микрофирмалар	1124	1043	81

Манба: Қўрғонтепа тумани Иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларининг саноатдаги улуши саноат маҳсулотида 45,0 фоиз, қишлоқ хўжалигида 99,8 фоиз, қурилиш ишларида-96,0фоиз, пуллик хизмат кўрсатишда- 62,9 фоизни ташкил этди.

Хусусий тадбиркорликнинг яна бир муҳим вазифаси истеъмол талабининг табақаланиши ва индивидуаллашуви шароитда кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни амалга оширишдир. Бугунги кунда кенг ривожланмаган кичик бизнесиз замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. У бир томондан қандайдир даражада йирик корхоналар билан рақобатда бўлади ва шу нуқтаи назардан иқтисодиётни бозор конъюнктураси

ўзгаришларига, мода ва истеъмолчилар диди тез-тез алмашиб туришига иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуришга ёрдам беради.

Кичик бизнес корхоналарининг хусусиятлари унинг бир қанча афзалликларга эга бўлиш имкониятларини яратади:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш ҳамда уларни талабнинг тез ўзгариб туриши хатарини ҳисобга олган ҳолда кичик миқдорларда ишлаб чиқариш;

- тезкор техник сервисни ишончилигини ва истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш;

- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишни бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;

- ортиқча иш кучини ўзига сингдириш ;

- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тезда ўзини оқлаши, капитал айланмасида юқори тезлик (йирик корхоналарга қараганда 2,5 марта юқори) ;

- ҳом ашё ва меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш.

Кичик бизнес – аҳолининг катта қисми учун меҳнатни қўллайдиган соҳа ва даромад манбаи ҳисобланади. Бу соҳа етарли малакага ва тажрибаси бўлмаган, эгилувчан жадвалли иш кунини истаган аксарият меҳнат ресурсларини машғул этувчи меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисми. Бу соҳада машғул кишиларнинг аксар қисми учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи бўлмиш кичик бизнес миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омил бўлиши мумкин.

2014 йил 1 январ ҳолатига туманда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 112 минг 346 кишини ташкил этади.

Туманда иқтисодий фаол аҳоли 93,1 минг кишини, шундан банд аҳоли сони 87,7 минг кишини ташкил этади. Шундан 59 минг

899 нафари иқтисодиётнинг расмий секторида, 27 минг 801 нафари иқтисодиётнинг норасмий секторида бандир.

2.2.4 -жадвал

Қўрғонтепа туманида кичик бизнеснинг яратилган иш ўринларидаги ўрни

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013	2013/ 2012 %
1	Аҳоли сони	м.киши	186,9	189,8	193,2	103,3
2	Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони	м.киши	104,0	112,3	115,3	110,8
3	Иқтисодиётда бандлар	м.киши	76,1	85,5	87,7	115,2
4	Жами ишсизлар	Киши	274	5197	5363	19,5
5	Яратилган янги иш ўринлари	Бирлик	5564	5530	5634	101,2
6	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган иш ўринлари	бирлик	2723	2710	2727	100,1
7	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яратилган иш ўринларидаги улуши	%	49,0	49,0	48,4	х

Манба: Балиқчи тумани БКМ маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвал маълумотлари тахлили, аҳолининг ўсиш суръатларига қараганда 3,3 фоиз, меҳнатга лаёқатли аҳолини ўсиш суръатлари 10,8 фоиз ортиқ эканлигини кўрсатади. Иқтисодиётда бандлар сони тахлил қилинаётган даврда 15,2 фоизга ўсган. Жами ишсизлар сонини 2011 йилга қараганда 19,5 мартага ошгани ҳолда яратилган иш ўринлари 1,2 фоизга ўсган ҳолос. Ишсизлар сонини ўсиши ҳудуддаги меҳнат органларининг иш изловчилар билан ишлаш самарадорлигини ошириш зарурлигини, янги иш ўринлари ҳақида ахборотларни етказишни фаоллаштириш зарурлигини кўрсатади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринларининг 2011 йилга нисбатан 0,6 фоизга қисқариши бу соҳада фаолият қониқарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Хусусий тадбиркорликнинг республикамизда ривожланиши қуйидаги устуворликларга эга: турли ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номуносивблигини силлиқлаб турувчилик роли; фаол ва тадбиркор шахслар, юқори даражали бизнесменлар шаклланишига; иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқалар ўрнатишга; жамиятда сиёсий вазиятни кафолатловчи ўрта синф шакллантирилишига; нисбатан кам маблағлар ҳисобига янги иш жойлари яратилишига; технологик техник ва ташкилий янгиликлар тез тадбиқ этилиши ва бевосита ишлаб чиқарилишига; рақобат муҳити юзага келтирилишига; монопол корхоналар камайишига хизмат қилади

Кичик корхоналарнинг энг асосий ижобий жиҳати уларнинг ишлаб чиқаришнинг рақобатли характери ва эркинлашувини таъминлашидан иборатдир.

Уларнинг бошқа ижобий томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кўп сонли янги иш жойларини яратиш ва бўш аҳолини ўз фаолиятига жалб этиш;
- фан-техника янгиликларини жорий қилишни тезлаштириш;
- ёрдамчи ишлаб чиқариш ва халқ ҳунармандчилигининг қайта туғилишини таъминлаш;
- кичик шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак бериш;
- ижтимоий-психиологик муносабатларининг юқори даражасини таъминлаш;
- йирик, оммавий ишлаб чиқаришга эга корхоналарни кичик сериялар билан маҳсулот ишлаб чиқаришдан озод қилиш.

Тахлилдан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларини кўпайиши билан бандликни ортишига олиб келади. Шунини таъкидлаш ўринлики, кичик бизнес субъектлари салмоғининг ортиб бориши меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланишига шароит яратиб беради. Иш билан таъминланиш

оқибатида аҳоли турмуш даражаси яхшиланади. Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ортиб бориши учун бир неча сабаблар мавжуд: ишсизлар иш билан таъминланган бўлиши, аҳолининг турмуш даражаси юқорилиги, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори натижаларга эришганлиги, мамлакат салоҳиятининг ортиб бориши ва бошқаларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Туманда кичик бизнесни ривожланиш имкониятлари мўл. Уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- кичик бизнесни ривожлантиришнинг ҳудудий – тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хусусий тадбиркорларнинг туризм, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва металга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, транспорт хизматлари, қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларда кичик бизнес корхоналар, жамият ва ширкатлар тузиш бўйича шахсий ташаббусларини рағбатлантириш;

- молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик корхоналарнинг кредит манбалари ва расмояларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;

- кичик бизнес инфратузилмасини кенгайтириш ва ривожлантириш;

- улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг ҳом-ашё, асбоб ускуна, технологиялар, таркибий қисмларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш тизимини такомиллаштириш;

- кичик бизнес корхоналари яратилиши ва фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;

- кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

- кичик бизнес фаолияти кўрсаткичларининг ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш.

Бунда туман тузилмалари зиммасида қулай иқтисодий шароитлар яратиш, қонуний, меъёрий асослар ва ўзга ташкилий-методологик кўмакни тақомиллаштириш принципиал масъулият ётади. Айни пайтда, кичик бизнес корхоналари яратишни рағбатлантириш, бевосита қўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифалар ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органларига юкланади.

Туманда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш, ўтказилаётган чуқур туб ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса иқтисодий рақобатни ривожланишини, истеъмол бозорини товарлар ва хизмат турлари билан тўлдиришни, шунингдек, кичик бизнес корхоналарини ва тадбиркорликнинг кенг қатламини яратишни тақозо этади.

Кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила фаровонлигини манбаи бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин оила даромади асосан иш ҳақидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолининг, айниқса оилаларнинг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини ифодалаш учун тегишли кўрсаткичлар ёки уларни аниқловчи усуллар мамлакатимиз олимлари томонидан ҳамон ишлаб чиқилмоқда.

Аҳолининг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини белгилаш учун хорижда тан олинган бир қанча усуллар мавжуд. Булардан бири – Евростат методологиясидир. Бунга асосан, аҳолини оилаларнинг турмуш шароитига қараб қуйидагича тақсимлайдилар:

- бойлар, ўрта табақадагилар ва камбағаллар. Бу туркумга кирувчиларни аниқлаш учун оилаларнинг турмуш шароити олти гуруҳга бўлиб ўрганилади;

- юқори турмуш даражасига эга оилалар;
- ўртачадан юқори;
- ўртача;
- ўртачадан пастроқ;
- паст ва жуда паст турмуш даражасидаги оилалар.

Ҳозирги пайтда оилалар даромадининг тўртдан бир қисми тадбиркорлик эвазига пайдо бўлмоқда. Келажакда оила эҳтиёжининг 50 % ни шу йўл билан қопланишига эришиш лозим.

Бу бизнинг мамлакатимиз учун ўта муҳимдир. Чунки, Европа мамлакатларида бир ишловчига 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги қариялар тўғри келса, бу кўрсаткич бизда 2,7 кишини ташкил қилади. Табиийки, бундай шароитда фақат ойлик маош билан оиланинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорликнинг асосий йўналишларига кичик бизнес, шахсий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари каби оилавий мулкка асосланган фаолият турлари киради. Оилавий тадбиркорлар мулкнинг асосий қисми мамлакатимизда давлат мулкани хусусийлаштириш эвазига шаклланди.

Давлат мулкани хусусий тадбиркорларга сотиш ва мулкдорлар синфининг шаклланиши учун асос бўлди, аммо мамлакатимизда ҳали хусусий мулкдан самарали фойдаланиш йўллари, хусусий корхоналарнинг самарадорлигини ошириш усуллари бўйича етарли тажриба йўқлиги, бозор муносабатларига етарли даражада кўникманинг шаклланмаганлиги хусусий корхоналарнинг ҳам банкротга учраш ҳолларини юзага келтирди. Натижада, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни, мулк шаклидан қатъий назар, яна

кайта сотиш, мулк эгасини ўзгартириш масаласи қўйилди. Олдин хусусийлаштириш учун фақат давлат мулки сотилган бўлса, энди эса нодавлат мулки ҳам сотилмоқда. Демак, мулкни хусусийлаштириш ҳали барча муаммоларини ҳал бўлгани эмас экан. Мулк ҳақиқий эгасини топиши дегани, уни фақат хусусийлаштириш дегани эмас, балки шу мулкдан самарали фойдаланишни таъминлашдир.

Энди давлат ва нодавлат мулкнинг сотилилиши асосан, жисмоний шахслар қўлига хусусий мулк тарзида ўтади. Мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланимоқда, кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорликнинг ривожлантириш учун тегишли шароитлар, уларни иқтисодий асослари яратилмоқда.

Эндиги энг муҳим вазифа кўчмас мулк объектлари давлатники бўладими, нодавлат бўладими, уларнинг самарали ишлашини таъминлаб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштиришдан иборатдир.

Мулкнинг самарали ишлашини таъминлаш давлатга ҳам, мулкдорга ҳам манфаат келтиради. агар объект давлат тасарруфида бўлса-ю, ҳеч фаолият кўрсатмаса, бунинг фойдасидан кўра зарари кўп. Шу туфайли, уни арзонлаштирилган қийматда бўлсада, сотиш афзаллиги лозим деган хулосага келинди. Бундай усул амалиётда ҳам жорий қилинди.

Ишлатилмай, фойдаланилмай турган мулкнинг ишлатилиши жамият учун жуда катта манфаат келтиради. Биринчидан, янги иш ўринлари яратилади, иккинчидан, мамлакатимиз бозори учун маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилади ва учинчидан, бу фаолият натажасида давлат бюджетига солиқ тўлаш йўли билан давлатнинг иқтисодий қудрати ошишига улус қўшилади.

Оилавий тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири оилаларнинг шахсий томорқасида фаолият кўрсатишидир. Бу ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори билан тартибга солинади.

Ушбу қарорга асосан, мамлакатимизда ер майдони уй-жой қурилиш, ерга умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ким ошди савдоси орқали сотиш кўзда тутилган. Бу тадбир аҳолининг яшаши билан бирга тадбиркорлик билан шуғулланиш имконини ҳам беради. Шу туфайли, бу масала мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Кўриниб турибдики, бу тадбир ҳам мулкдорлар синфини ва тадбиркорлар доирасини кенгайтириш йўлларида бири сифатида намоён бўлмоқда.

Бу жараён йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. 2003 йил 20 августда «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тадбирлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Бунга асосан ҳокимликлар тадбиркорлик фаолиятини юритишга мўлжалланган ер майдонларини ажратади. Булар Республика кўчмас мулк биржалари ваколатли ходимлари томонидан ким ошди савдосига қўйилиб сотилади. Бу ҳам, мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу энг аввало, оилалар фаровонлигини оширишнинг муҳим омилidir. Зеро, иш ҳақи, ўртача даромад каби кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида ўзининг яшовчанлик моҳиятини йўқотди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни яна бир омили улардан олинган солиқлар юкини камайтиришдир. Бу оиланинг ўз маблағлари билан ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқ юкини камайтириш ҳозирги пайтда жуда муҳимдир. Чунки, жуда кўп оилалар ҳали тадбиркорликка қўл урган эмас, қўл урганлар эса, шу жараёнга кўникма ҳосил қилмаган. Бу ҳолат, албатта оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир қилади. Шу туфайли, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларга солиқ солиш базасини қисқартириш, ставкасини пасайтириш, бюджетдан ташқарии жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим.

Ушбу ҳолатлардан шундай хулоса қилиш лозимки, жамиятда тадбиркорлар сони бутун аҳолига нисбатан эмас, балки оилалар сонига нисбатан олиш лозим. Ҳар бир оилада тадбиркор бўлишига эришсакгина бутун аҳолининг фаровонлигини таъминлашга муваффақ бўламиз, бу – бизнинг бош ғоямиздир.

Ишсизлик ва оила бир-бири билан бевосита боғлиқ. Ишсиз у каердандир келган эмас ёки жамиятдан ажралиб қолган шахс ҳам эмас. Ишсиз бу ҳам оиламиз аъзоси. Оиладан бир киши жуда сердаромад ишда ишласа, шу оила фаровон, агар у ишсиз қолса, шу оила камбағалликка маҳкум қилинган бўлади. Шу туфайли ҳар бир оилада шундай руҳият шаклланиши керакки, унда ишсиз одам бўлмаслиги керак. Агар бирор киши ишдан бўшадими, тадбиркорлик билан шуғулланиши лозим, токи оиланинг моддий таъминотида барқарорлик бузилмасин.

Ҳозирги пайтда қишлоқларда ҳам бизнес билан шуғулланиш учун шароит етарли. Зеро, унинг қонуний асоси яратилди, тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди.

Агар назарий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, кичик бизнес ривож топган жойда ишсизлик муаммоси бўлиши мумкин эмас. Чунки, одам ишсиз бўлса, ўзига иш топиши, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини юритиши учун тегишли шароит яратилишига интилади. Бу энг аввало, оилавий бизнесда намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда оилавий бизнесни ривожлантириш учун унинг қонуний асослари билвосита яратилди. Буларга «Тадбиркорлик фаолиятини эркинликларининг кафолатлари тўғрисида», «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» каби қонунларни киритиш мумкин. Аммо, ҳозирги иқтисодий муҳит алоҳида «Оила тадбиркорлиги ва уни қўллаб - қувватлаш тўғрисида» ги қонунни қабул қилишни тақозо қилади. Бундай қонунни яратилиши табиийки, ислохотлар жадаллашишида, энг муҳим, оилаларнинг фаровонлигини ошишида асосий омил бўлиб ҳизмат қилади.

Ишсизлик ва оилавий тадбиркорлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ишсизликнинг мавжудлиги ишсиз учун салбий ҳолат бўлсада, жамият равнақи учун маълум маънода ижобий омилдир.

Чунки, бу *биринчидан*, ишсиз аҳоли ҳамиша янги ишни, фаолиятни бошлаш учун захирада туради.

Иккинчидан, ишдаги кишининг ишсиз бўлиб қолиш эҳтимолининг мавжудлиги уни тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилишга, ўз малакасини доимий равишда ошириб боришга ундайди.

Учинчидан, ишсизликни пайдо бўлиши касаба уюшмаларини фаолиятини фаоллаштиради. уларнинг ишчилар аҳволини яхшилаш борасида иш ҳақини, уни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича турли таклифларнинг ишлаб чиқилишига ва эришишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, ишсиз бўлиб қолиш эҳтимолидан қўрқиш оқибатида уларнинг жонбозлик билан ишлаши натижасида мамлакатда иқтисодий ўсишга эришилади. Бу эса, ҳар бир оилада оила аъзоларининг ўз устида ишлашига асос бўлади.

Ишсизлик оила ва жамият учун салбий оқибат ҳам мавжуд.

Биринчидан, ишсиз мамлакат миллий даромади яратилишида ва оила фаровонлиги оширилишида иштирок этмайди.

Иккинчидан, ҳодим узоқ вақт ишсиз бўлса, олдинги малакаси ва тажрибаси сусаяди. Агар шу малака бўйича иш топмаса, бошқа касбни эгаллашга оиланинг анча маблағи ва вақти кетади.

Учинчидан, ишсиз киши руҳий жиҳатдан тушкунликка тушади. Бунини яхшилашда оиланинг роли катта. Бундайларни оилада маънавий қўллаб - қувватлашга тўғри келади.

Шу туфайли, оила тадбиркорлигини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлигини идрок қилишимиз ва унга тегишли эътибор қаратишимиз лозим.

2.3. Хусусий тадбиркорлик инфратузилмаси ва уни ривожлантириш

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси, яъни инфратузилма муассасалари кичик бизнес субъектларининг товар ва хизматлар бозори, пул бозори, меҳнат ресурслари бозори, капитал бозори, шунингдек, банк тизими, улгуржи воситачилик тузилмалари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари бозори, меҳнат биржалари ва бошқа бир қанча муассасалар билан бўладиган ўзаро алоқаларини таъминлайди.

ТР	Йўналишлар	Изоҳ
1.	Янги объект, иншоотларни қуриш	Инвестиция дастурлари, бошқа тармоқ дастурларига киритилган объектларни қамраб олади, қўп капитал маблағ ва харажатларни талаб этади, яратиладиган 1 иш ўрнининг қиймати юқоридир
2.	Мавжуд корхоналарни модернизациялаш	Қўп ташқи омилларга боғлиқ
3.	Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш	Корхоналарни иқтисодий ва молиявий барқарор фаолият олиб борилишини талаб қилади
4.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш	Қўшимча катта инвестицияларни талаб қилмайди, иш билан таъминлашнинг асосий йўналиши
5.	Якка тадбиркорликни ривожлантириш	Барқарор, доимий бўлмаган иш ўринларини яратилиш хавфи бор
6.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш	Уларни самарали фаолияти натижасида қўшимча иш ўринлари барпо этиш имкониятларини сафарбар қилиш керак
7.	Касаначилик, уй меҳнати, оилавий тадбиркорлик ҳисобига, жами	Ишсиз ва иш билан таъминлашга мухтож аҳолини таркибидан келиб чиқиб ўта муҳим ва самарали йўналиш
8.	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	Асосан давлат маблағлари ҳисобидан қуриладиган объектлардан иборатдир
9.	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	Бу соҳага ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар қиради

2.3.1- чизма. Иш ўринларини яратишнинг асосий йўналишлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

Хозир бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга зарурият сезилмоқда, чунки бусиз бозор иқтисодиёти ишлаб кета олмайди. Бозор инфратузилмаси бозорнинг барча турларига, чунончи, товар бозори, молия бозори ва меҳнат бозорига хизмат кўрсатади. Бозор инфратузилмасини

бирданига яратиб бўлмайди. У анча узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, юксак маҳоратга эга малакали кадрлар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, хўжалик фаолиятининг янги шароитларига руҳан мослашишини талаб этади.

Бозор инфратузилмаси деганда, бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар тушунилади ва улар жумласига тижорат банклари, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналар, солиқ, идоралари, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, савдо-сотик, уюшмалари, воситачи фирмалар, консернлар, консорциумлар ва бошқалар кирази. Бундан кўриниб турибдики, бозор инфратузилмаси умумий иқтисодий фаолият билан боғлиқ, барча жабҳаларни қамраб олади.

Фикримизча, хусусий тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири сифатида ушбу инфратузилма объектларининг умумий фойдаланувчиси ҳисоблансада, шу билан бир қаторда ўзининг ташкил топиш, амал қилиш ва ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқувчи махсус инфратузилма объектларига ҳам боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки бозор инфратузилмасининг юқорида санаб ўтилган унсурлари билан бизнес мактаб, бизнес инкубатор, суғурталаш ва молиялаш муассасаларининг мазкур соҳага таъсири бир хил даражада бўлмайди.

Хусусий тадбиркорликни тараққиёти унинг инфратузилмасини қай даражада ривожланганига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари И. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада еркинлаштириш хусусида тўхталиб, еркин тадбиркорлик учун қафолатларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ва ғов тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.¹³

¹³ И.А.Каримов, "Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш, янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир", Тошкет оқшоми, 31 январь 2005 йил.

Инфротузилма кичик бизнес соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашадиган ихтисослашган институтлардир. Улар ҳам давлат лар иштирокида, тадбиркорларнинг жамоатчилиги тузилмалари ташаббуси билан ташкил этилади ва иш юритади. Инфротузилма-ташкилотлар тизими бўлиб, уларнинг мақсади ички бизнес субъектларига имтиёзли шартларда ёрдам беришдир. Кичик бизнеснинг амал қилиш шартларидан бири унинг инфротузилмасини ривожлантиришдир.

Инфратузилма- (лотинча *infra* - қуйи, *structura*- жойлашув, тузилиш) – барча хизмат кўрсатувчи тармоқлар комплекси ҳисобланиб, транспорт, алоқа, савдо, моддий техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа хизмат турларини ўз ичига олади.

Аҳоли зич ҳудудлар ижтимоий иқтисодий тараққиётининг охириги натижалари улардаги ишлаб чиқаришнинг ривожланиши даражасига эмас, балки у ердаги хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳам боғлиқ. И.А.Каримов таъкидлаганидек инфратузилма комплекси иқтисодиётимизнинг бутун тизими таянадиган пойдеворидир. Республика бутун халқ ҳўжалик комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфратузилма тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқ.

Инфратузилма бу- иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт-шароитларни таъминловчи мажмуадир. У ишлаб чиқариш технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган мажмуини самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхоналарнинг самарали фаолиятини таъминлайди ва жамият эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Инфратузилма ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Бозор шароитида инфратузилманинг функциялари ўзгаради. Давлат

таъминоти камаяди, унинг вазифасини бажаруви хусусий фирмалар юзага келади. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш маҳсулот сифатини юқори бўлишига эришиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Бундан ташқари инфратузилма халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга ҳам кўмак беради.

Инфратузилмага кирадиган соҳалар ишлаб чиқаришни жараёнига бир хилда таъсир кўрсатмайди ва жамият ишлаб чиқаришида ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Шунинг учун уни баҳолашда тармоқларни асосий кўрсаткичлари бўйича классификациялаш муҳим Амалий аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу имкониятларни эса инфратузилма яратади.

Кичик бизнеснинг инфратузилмасига бу ўзида мавжуд бўлган хозхирги замон алоқа воситалари, транспорт воситалари, зарурий иморат ва иншоотлар, кўргазмалар зали, сервис тизими, реклама фаолияти, ахборот таъминоти, маданий маиший бинолари киради.

Инфратузилма муассасаларининг мақсади: ахборот, маслаҳат, ўқитиш, башорат таҳлил, илмий-техника, молиявий (кредит ресурслари) хизматлар билан таъминлаш орқали кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ижобий шарт-шароит яратиш ва амалга оширишдан иборат.

Бугунги кунда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма объектларининг зарурлиги объектив ҳол бўлиб, у асосан, қуйидагилар орқали изоҳланади: кичик бизнес молиявий имкониятларининг нисбатан чекланганлиги; ундаги ходимлар ҳам, одатда, бир неча вазифаларни уйғунлаштирган ҳолда бажаришга мажбурлиги; ҳавф-ҳатар, таҳликага асосланади ва бу борада суғурта компаниялари, бизнес инкубаторлар, бизнес мактаблар ёрдамига таянилади. Демак, хусусий тадбиркорлик инфратузилмасини етарли даражада ривожлантирмай туриб, кичик бизнес

фаолиятини юксалтириш борасида сезиларли ўзгаришларга эришиб булмайди.



2.3.2-чизма. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари

Манба: Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

Республикада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун бозор инфратузилмаси барпо этилмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тарраққиёт йўлида маълум тўсиқлар ва камчиликларни қзатиш мумкин. Айрим кичик корхоналарлар ва якка тадбиркорларни аксарияти ўз фаолиятида хом-ашё ва материалларнинг кўплаб турлари, айниқса юқори ликвидлик материалаларга муҳтожликлари сезиларли, жойларда тадбиркорлар биржа ва аукцион савдоларда қатнашишга, хом-ашё ва материалларни юқори ликвидлик турларини сотиб

олишга, сотилаётган товарлар рўйхати уларни қониқтирмаётганлиги муаммолари ҳам кўплаб учрайди.

Биринчидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тадбиркорларнинг билим ва тажрибалари етишмаслиги, шунингдек, уларни ахборот ва маслаҳат билан таъминлаш тизимлари фаолиятининг такомиллашмаганлиги тўсиқ, бўлмоқда. Кўпинча, жойларда қишлоқ тадбиркорларига зарур бўлган ташкилий-услубий ёрдамлар кўрсатилмаяпти. Маслаҳат марказларининг вазифаларини такомиллаштириш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, яъни таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бизнес режалар тузиш, кредит олишга аризалар бериш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил этиш, аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа маслаҳат хизматлари кўрсатишда кўмаклашишдир.

Иккинчидан, хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника ресурсларидан, хом-ашё ва материаллардан лизинг, майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоғидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш

Учинчидан, ташқи бозорга чиқишида, яъни экспорт шартномаларини ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказиш ва божхона органларида ҳисобга олиш, товарлар ва хизматларни чет елга сотишда ёрдам кўрсатиш борасида бир қанча муаммолар мавжуд.

Тўртинчидан, хусусий тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, тайёр маҳсулотларни сотиш имкониятларини кенгайтириш, ташкил қилиш учун майда улгуржи бозорлар, ярмаркалар тизимини кенгайтириш, улгуржи бозорлар қошида моддий-техника таъминоти, ижара, сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш бўлимларини ташкил этиш йўллари орқали савдо механизмларини такомиллаштириш зарурдир. Бу ишларни амалга ошириш натижасида республикамизда кичик бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга сезиларли даражада таъсир этиш мумкин.

Фикримизча, юқоридаги инфратузилмани шакллантирилиши қуйидаги муаммоларни ечимини топишга кўмаклашади:

1. Кичик бизнес субъектларининг махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ишлари яхшиланади.
2. Хамкорлар орасидаги муносабатлар мустахкамланади.
3. Кичик бизнес ходимларини бозор ҳақида тез ва ишончли маълумотлар олиш имконини беради.
4. Кичик бизнес субъектлари ходимлари касб малака маҳорати ва маданияти ортишига олиб келади.
5. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этилишига олиб келади.

III БОБ. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

3.1. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб қувватлашнинг хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш

Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда ҳам даставвал хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда Япон мўжизаси, деб аталган иқтисодий шиддат ҳам давлатнинг режалаштирилган қатъий сиёсати туфайли оёққа туриб, ҳозирги пайтда мамлакат ялпи ички маҳсулоти етиштиришда умумий фойданинг ярми ни ташкил эта бошлади. Қисқа муддатда Европа иқтисодиёти асосий устунлари дан бирига айланган Германияда ўтказилган қатъий давлат сиёсати натижасида мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилди ва урушдан кейинги йиллар мобайнида бизнес тараққиёти 10 % дан 65%гача етди.


Масалан, Япония давлатининг иқтисодий соҳаларида хусусий тадбиркорлар сони ва улушини кўриб чиқишимиз мумкин: қайта ишлаш саноати, улгуржи, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг 99 фоизини кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этади. Натижада эса, дунёда бу борадаги энг юксак натижалар қўлга киритилди яъни, Японияда ҳар бир фуқаро бошига 38000 АҚШ доллари ҳисобида даромад кела бошлади, ҳолбуки ислохотлар бошланиши олдида бу кўрсаткич 600 доллар эди. Жаҳон саноатида бош ўринда турадиган (лидер) компания "Ямаха" трансмиллий компанияси бутун дунё бўйича бир неча ўн миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқаради, ҳолбуки мана шу "наханг" компания ҳам ўз фаолиятини 40- йиллар охирида 7 нафар одам ишлайдиган велосипед таъмирлашни амалга оширувчи кичик кооператив (устахона) эди .

Хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнига баҳо беришда, энг аввало иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий кўрсаткичлар жумласига, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот, жами иш

билан банд бўлганлар, капитал қўйилмалар, экспорт ва бошқалардаги улушини киритиш мумкин. Хорижий мамлакатлар кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб қувватлашнинг ривожланган тизими мавжуд бўлиб, бу ҳол рақобатнинг кучайиши шароитида ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бу эса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг тўлақонли ривожланганлигидан далолат беради. Кўпгина хорижий давлатларда хусусий тадбиркорлик давлат сиёсатида молик комплекс тузилма бўлиб, бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонуний асосига қўйилган, тадбиркорлар имтиёзли суръатда кредит ресурслари имкониятларидан фойдаланадилар. Имтиёзли солиқ тўлаш имкониятларига эга ишлаб чиқариш, молия, маориф, бозор инфратузил масидаги жами афзалликлар ва янгиликлардан, ўзларига манфаатли бўлган иқтисодий ўсишга кўмаклашувчи омиллардан фойдаланадилар. Европа мамлакатлари орасида ишлаб чиқариш юксак тараққий етган мамлакатлардан бири Италия бўлиб, мамлакат да бу борадаги муваффақиятнинг асосий таянчи кичик тадбиркорлик ҳисобланади.

Италия кичик корхоналари бир тармоқ ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш атрофида жипслашуви ёки ихтисослашуви билан машҳурдир. Кичик корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатларига кўра, Италияни фақатгина Греция ва Испания билан тенглаштириш мумкин. Италиянинг халқаро савдо бозорларида муваффақиятли фаолият олиб бораётган кичик корхоналари юқори сифатли товарларни экспорт қилиши билан эътибор қозонган. Италия кичик корхоналари, одатда, юқори сифати ва дизайни билан ажралиб турадиган товарларни ишлаб чиқаради. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Италия кичик корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларининг экспортида салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек улар яримтайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар, станоклар, тўқимачилик ва териға ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги, қадоқлаш, ёғочни қайта ишлаш, керамика ва металлға ишлов бериш ускуналари ҳамда "мини" технологиялар экспорт

қилиш бўйича ҳам етакчилардан ҳисобланади. Шу ўринда, Италия кичик корхоналари бу даражада рақбатбардошликка қандай қилиб еришган, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобни алоҳида олинган кичик корхонадан эмас, балки маълум бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган меҳат тақсимотига эга ҳамда ягона мақсад йўлида уюшган корхоналар тизими "кластерлар" ёки "саноат туманлари" негизидан топиш мумкин. Тадбиркорлар, мутахассислар ва олимлар томонидан кластерларга қизиқиш катталигининг асосий сабаби ҳам шунда. Италияда кичик корхоналар саноатнинг бир тармоғи ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига ихтисослашув хусусиятига эга. Шу билан бирга ушбу тармоқда туташ соҳаларда фаолият юритувчи корхоналар ҳам ихтисослашувнинг кучайишидан манфаатдор. Бундай ихтисослашувни "кичик корхоналарнинг кластерлари" деб аташади.



3.1.1-чизма. Италия кластерларига кирадиган корхоналарнинг ўзаро алоқалари

Манба: Ростова Ю.И. и др. Экономика организаций (предприятий) в схемах. Учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2009. – 240 с.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай ихтисослашувда корхоналар бир-бирларига узвий боғланган бўлади, лекин бу уларнинг ўзаро қарамлигини билдирмайди. Аксинча, ишлаб чиқариш йўналишлари ва шерикларни танлашда тўлиқ мустақиллик таъминланади. Ҳар бир корхона бир-бирисиз фаолият кўрсата олмайдиган ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичи билан шуғулланади.

Кластерлар уюшмалари ўз таркибларига микро, кичик ва ўрта корхоналарни бириктириши ёки ўз атрофига субпудратчиларни уюштирган йирик корхоналардан ҳам ташкил топиши мумкин. Айрим кластерлар фақат биргина ишлаб чиқариш жараёнига ихтисослашади, бошқалари эса бир-бирига туташ фаолият турлари ёки пировард натижада битта йирик тармоққа хизмат кўрсатадиган турли ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ўз ичига олади. Кластерларга жамланган кичик корхоналарнинг рақобат курашидаги афзалликлари учта жиҳати билан муҳимдир: ихтисослашув; кооперация; эгилувчанлик. Ихтисослашув маҳсулот сифатини назорат қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳам самарали ечишга имкон яратади. Агар фирма бир хил фаолият тури билан шуғулланса, у ўша йўналишда сидқидилдан иш юритишига ва доимий изланишда бўлишига тўғри келади.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни такомиллашиши ва ривожланишида чет эл тажрибаиларни ҳар томондан ўрганиш, яхши кузатиш ва хулоса чиқариб, тўғри қарорга келиш ва хусусий тадбиркорлар томонидан ўз шахсий ишини ташкил этиш жараёнига мувофиқлаштириш лозим.

Президентимизнинг йил якунларига бағишланган маърузасида қуйидаги сўзлар қайд этилди: “2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.”¹⁴

¹⁴ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.: Халқ сўзи. 2014 й 18 январь, № 13 (5943)

Давлат банк кредитларини олишда кафил сифатида чиқади. Шунинг учун майда бизнесга кредит олиш анча енгилроқ; кичик бизнес солиқ имтиёзларига эга бўлиши керак (Масалан, АКШда солиқлар умумлаштирилганда фойданинг 44 фоизини ташкил этади: 36 фоизи миллий, 8 фоизи - штат солиғи). Агарда фирма ижтимоий тармоққа ёки ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ажратилган маблағни кўпайтирса, солиқ солинадиган улуш қисқартирилиши мумкин.

Масалан, Буюк Британия ва Италияда ёш тадбиркорлар юқори чегириш билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириши ҳақида, шунингдек бозорга қандай чиқиш мумкин, ишбилармон шерикларини қандай топиши ҳақидаги маслаҳатларни текинга олиши мумкин. Бундан ташқари, у ўзини қониқтирадиган нархга ижарага иморат ва хусусий бизнесни бошлаш учун керакли асбоб ускуна олиб, амалий ишда синаб кўриши мумкин. Германияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури амалга оширилади. Унга мувофиқ, тадбиркорларга фаолиятнинг дастлабки икки йилида фоизсиз кредит берилади. Кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади. Шу тариқа тадбиркорлар бепул бошланғич сармоя билан таъминланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Бунинг яққол исботи сифатида Президентимиз И.А.Каримов томонидан иқтисодий ислохотларни Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қарорларни, Вазирлар маҳкамасининг фармон ва йўриқномаларини асос қилиб олишимиз мумкин.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Уларга:

- ўзбек халқида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга мойиллик (хохиш)нинг юқорилиги;
- тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши республика таълим тизимига мос келиши;

- ўзбек халқининг бошқа халқларга нисбатан даромадидан жамғармага ажратилган улушнинг юқорилиги;
- ҳозирда ўзбекистоннинг жаҳоннинг куплаб мамлакатлари билан мустаҳкам алоқасини мавжудлиги;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва энг кам маош миқдорини шунингдек, аҳолини сотиб олиш қобилиятларининг пастлиги;
- қулай сиёсий муҳитни мавжудлиги

Юқоридаги тадбирлар натижасида республикамызда тадбиркорлик янги сифат хусусиятларга эга бўлган ҳолда қайтадан шаклланди.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ривожланиши уч босқичга бўлинади:

1-босқич. 1917 йилга қадар бўлган даврни олишимиз мумкин. Ушбу даврлар майда ҳунармадчилик ва савдогарчиликнинг юқори суръатларда ривожланиши билан характерланади. Бу даврнинг ўзига хос белгиси қўл меҳнاتини юқори бўлиши билан фарқланади ва якка тадбиркорлик алоҳида ўрин тутаети.

2-босқич. 1917 йилдан - 1990 йилгача бўлган давр. Бу вақтда марказлашган режали бошқариш ҳукм сурган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимотда давлат асосий ролни ўйнаган. Эркин тадбиркорлик фаолияти нисбатан чекланган. Ишлаб чиқариш экстенсив йўл билан ривожлантирилган. Ушбу босқичнинг биринчи ўн йилликларида кичик ва ўрта бизнес роли сезиларли бўлсада охириги йилларга келиб йирик корхоналар ҳукмронликни эгаллаган. Масалан, урушга қадар бўлган даврни олган Ўзбекистон жами ижтимоий маҳсулотини 70%га яқини кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келган эди.

Урушдан кейинги даврда мамлакат миқёсида ишлаб чиқаришни йириклаштириш сиёсати олиб борилиши оқибатида кичик бизнесни роли сусайган. Ишлаб чиқариш ва тақсимот қатъий назоратга олинди.

3-босқич. Республикани мустақилликка эришгандан сўнги йилларини олишимиз мумкин. Бу даврни характерли томони иқтисодиётда “Танглик”

ҳолати ҳукм суриши. Иқтисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштириш бош вазифа қилиб белгиланиш, уни амалга оширишнинг давлат томонидан махсус механизм яратилиши шартлиги, муҳим йўлларида бири сифатида эркин тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши билан характерланади.

Ушбу даврни биз шартли равишда тўртта босқичга бўлиб олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

1-босқич. Қайтадан уйғониш даври, асосан 90 йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ҳуқуқий базаси ташкил этилди.

2-босқич. Тикланиш даври. 1999-2000 йилларни қамраб олади. Бу вақтда кичик ва ўрта бизнес корхоналари шакллантирилди. Уларни муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдамлар (имтиёзли ссудалар берилиши, вақтинча солиқлардан озод этилиши, сармояларни шакллантиришнинг жаҳон тажрибаларини қўллашга имкониятлар берилишини олишимиз мумкин).

Бу давр мобайнида тадбиркорликни ривожлантириш эвазига кичик ва ўрта бизнесни ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35%дан ортиб кетди.

3-4- босқич. Барқарорлаштириш ёки юксалтириш. Бу келгуси даврга тўғри келади.

И.А.Каримов томонидан олға сурилган барча ташкилий, иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий тадбиркорларнинг бош мақсади иқтисодий келгусида юқори суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожланиши иқтисодий давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун кўпчилик мамлакатларда давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиб келган. Сабаби, у муҳим макроиқтисодий функцияларни ҳал этилишига хизмат қилади, жумладан, миллий иқтисодий таркибий қисмини такомиллаштириш; иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш бандликни таъминлаш; ҳалол рақобат муҳитини яратиш ва ҳоказо.

Шу мақсадда ривожланган мамлакатлар бошқарув тизимида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватловчи ва ривожланишини таъминловчи махсус қўмиталар ташкил этилган. Масалан: АҚШ Конгресида 1953 йил бизнес билан шуғулланувчи кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият тузилган бўлиб, унинг ҳудудий қўмиталари (30-40 кишидан иборат бўлган) ҳар бир штатда ташкил этилган. Қўмитанинг бош мақсади мамлакатда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ҳисобланган.

Шунингдек, кичик бизнесни ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи махсус қонунлар ҳам қабул қилган. Бунинг асосида 1970-1973 йилларда «Малое прекрасное» шиори юзага келган. Натижада йирик компаниялар майда корхоналарга ажрала бошлаган.

Англияда кичик бизнесни тартибга солишда маъмурий воситалардан кенг фойдаланилган.

Корея Республикасида ҳам кичик бизнесни қўллаб қувватлаш борасида бир қатор қонунлар қабул қилинган қонуннинг моҳияти уларни боқимандалик ҳолатларидан олиб чиқиш ва оёққа турғизиш ҳисобланган.


Японияда ҳар 10 та корхонанинг 9 таси кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобланиб, улар мамлакат иқтисодиёти юксалишида ўз ўрнига эга. Шу мақсадда асосий эътибор унинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилиб, бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган.

Бундай қарорлар жумласига:

Кичик бизнес субъектларига муносабат бўйича сиёсати асослари, уларни модернизациялашга ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес фаолиятига раҳбарлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Францияда ҳукумат томонидан кичик бизнесни ривожлантиришни асосий йўналишлари белгилаб берилган. У қуйидаги расмда акс эттирилган.

(3.1.2- чизма)



3.1.2-расм. Францияда кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари

Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб қувватлаш ҳар бир мамлакат иқтисодий ижтимоий ва сиёсий аҳволи ҳолатидан келиб чиқади. Шунинг учун бу борада аниқ йўл ва кўрсатмалар мавжуд бўлмасада, мавжуд тажрибасига таяниб қуйидаги йўналишларни тавсия этишимиз мумкин:

- давлат бюджети маблағлари эвазига қўллаб қувватлаш;
- ҳар хил фондлар ва уюшмалар маблағлари ҳисобига;
- молия ва кредит тизимида турли имтиёзлар бериш орқали;
- ахборотлар билан доимий равишда таъминлаб бериш ва ҳоказо.

Бу борада Республикамизда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнесни ривожланишига бевосита кўмак берувчи, уни қўллаб қувватловчи махсус қўмиталар ва кенгашлар ташкил этилди. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш;
- Олий Мажлиснинг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик бўйича қўмитаси;
- Вазирлар Маҳкамасининг реструктуризация хусусийлаштириш қобилияти;
- Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш қўмитаси каби махсус идоралар ташкил этилди.

Мамлакат миқёсида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бу идораларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Маҳаллий органлар, ҳокимликлар ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқадилад ҳамда амалга оширадилар.

Мустақилликнинг биринчи куниданок, республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси ташкил этишга киришилди. Бунинг асосида Олий Мажлис томонидан бир қатор «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикасида «Хусусий тадбиркорлик тўғрисида» Низом, Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари республика ҳудудида чет эл инвесторларини ҳам кенг фаолият кўрсатишига имкониятлар яратиб берилди.

Натижада Республикада кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлашни муайян шакллари яратилди (3-расмга қаранг).



3.1.3-расм. Ўзбекистонда КБ субъектларини давлат томонидан қўллаб- қувватлаш шакллари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53 – моддасига кўра, бозор муносабатларига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ҳар хил шаклларидаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жихатдан тенг муҳофаза этилишини кафолатлайди. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги қонунида тадбиркорликнинг иқтисодий ҳуқуқий мустақиллиги ва ушбу мустақилликни таъминлаш учун зарур бўлган кафолатлар тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва маъсулияти аниқ белгиланган. Ушбу қонунда тадбиркорлар ўртасидаги

муносабатлар, уларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқарув идоралари билан муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар ҳам ёритиб берилган. Ушбу қонун воситасида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти тартибга солинган тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатлари белгилаб берилган.

Қонун мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари эркин танлаш бу шаклларининг тенг ҳуқуқлиги асосида амал қилиш, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатбардошлашувни таъминлайдиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги қонуни 10 моддадан иборат.

- тадбиркорлик;
- тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар;
- тадбиркорликнинг умумий қоидалари;
- тадбиркорлик субъектлари;
- тадбиркорлик шакллари;
- тадбиркорлик ташкилоти ва унинг фаолият асослари;
- тадбиркорликнинг ҳуқуқлари;
- тадбиркорликнинг мажбуриятлари;
- тадбиркорликнинг масъулияти;
- тадбиркорлик ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари.

Бундан ташқари Республикада мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги, «Мулк тўғрисида»ги, «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида», «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги, «Чет инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятларини кафолатлаш тўғрисида»ги қонунлари тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини ташкил этади.

Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури.

Республикада кичик бизнесни янада ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1999 йилда «Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури» қабул қилинди. Бу дастурнинг яна бир муҳим томони шундаки, унда қишлоқ жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу Давлат дастури иқтисодий эркинлаштириш тадбирлари тўпламини кузда тутди, мамлакатда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсадларини белгилаб беради.

Дастурнинг бош мақсади:

- республика аҳолисини барча табақаларини бозор шароитига қўниктириш, боқимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф қилиш, уларда тадбиркорлик, хусусий бизнес билан фаол шуғулланишга қизиқиш уйғотиш;

- структуравий ўзгаришлар натижасида юзага келаётган макроиқтисодий муаммоларни ҳал этиш, аёниқса қишлоқ жойларда бандлик масалалари ечишда актив иштирок этиш;

- қишлоқ жойларда тузилмани жадаллаштириш ва ҳалол рақобат учун қулай шароитлар яратиш;

- товар ва хизматлар ҳажмини ортириш, шу жумладан банк, аудиторлик, консалтинг, воситачилик ва илмий изланишлар борасидаги хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

- хўжалик юретишнинг илғор шакллари жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- ички ва ташқи бозор талабларини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ролини янада ошириш.

Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури тузилиши қуйидаги чизмада берилган (3.1.4-чизма)



3.1.4-чизма. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастури.

Давлат дастурининг асосий вазифалари:

- қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устивор ривожлантириш;
- қишлоқда бозор инфратузилмаларини ташкил этиш ва уни яратиш жараёнларини бошқариш, уни жаҳон иқтисодиёти талабларига мослаштириш, вилоятларда ички ва ташқи хўжалик алоқаларини мувофиқлаштирувчи ва ривожлантиришга даъват этилган тадбиркорлик департаментларини ташкил этиш;
- кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида лойиҳаларини маблағлар билан таъминлаш, ахборот маслаҳат хизматларини, суғурта тизими ва унинг ҳудудий агентликларининг ташкил этишдан иборат.

Кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакат иқтисодий салоҳияти барқарорлигини таъминлашда етакчи ўринни эгаллайди ва миллий иқтисодиётнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу секторни ривожлантиришнинг бош мақсади янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Бу эса иқтисодиётни

структуравий қайта қурилишида айниқса муҳим ҳисобланади. Кичик бизнесни ривожлатиришнинг яна бир муҳим томони тадбиркорлик фаолиятини ошириш жараёнида ўрта бўғинни шаклланишига асос бўлади.

Ҳозирги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти нисбатан юқоридир, аммо ундан фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда.

3.2. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш чора-тадбирлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши иқтисодий барқарорлашувининг асоси бўлибгина қолмай жамиятнинг иқтисодий жихатдан юксалишининг бош омили ҳамдир. Чунки кичик бизнес корхоналари ўзаро қийин бирикувчи меҳнат, материал ва молия маблағларини ўзига жалб этади, бандликни ҳал этишда бош ролни ўйнайди, иқтисодий ҳолатлар ўзгаришига тез мослашади.

Шунинг учун мустақилликнинг биринчи куниданок республикамиз Президенти И.А.Каримов мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларини бош мақсадини юқоридаги соҳани ривожлантиришга қаратгани бежиз эмас. Натижада ўтган 23 йил мобайнида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Биргина 2013 йил давомида кичик тадбиркорлик соҳасида 26 мингдан зиёд янги субъектлар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 219,4 мингтага (фермер хўжаликларисиз) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ улуши 55 фоизга етди.¹⁵

Тўғри эришилган натижаларимиз тақсинга лойиқдир. Аммо бу нарса бу соҳада муаммолар йўқ деган хулосани бермайди. Хали бу соҳани юксалтиришни жуда кўп захиралар мавжуд.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: ташкилий-ҳуқуқий муаммолар; иқтисодий муаммолар; ижтимоий муаммолар; ҳудудий муаммолар; инновацион муаммолардан иборатдир.

¹⁵ И.А.Каримов Мустақиллик –барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи. 2013 й



3.2.1 – расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш муаммолари.

Ташкилий ҳуқуқий муаммолар

Ҳозирги даврда кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига ҳам давлат аралашуви маълум бир даражада сақланиб қолмоқда, бу эса ўз навбатида унинг самардорлиги ортишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Юқоридаги ҳолатларни айниқса ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш масалаларида яққол сезишимиз мумкин. Масалан: иқтисодий тараққиёт байроғи остида сунъий равишда ҳар хил турдаги маҳаллий солиқлар жорий этиш, ободончилик ишлари учун мажбурий тўловларни талаб этиш, байрам ва ҳар хил тадбирлар учун сарф ва харажатларни кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи корхоналар зиммасига мажбурий юкланиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Яна бир муаммо мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳуқуқ-тарғибот ва давлат органлари томонидан кичик бизнес субъектларига ёрдам курсатишни талаб доирасида эмаслиги.

Иқтисодий муаммолар:

Кичик бизнес субъектларининг асосий иқтисодий муаммоларидан бири сармоя, унга бўлган эҳтиёж ва молиялаштириш манбалари ҳисобланади. Марказлашган режали бошқариш даврида корхоналардан биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш топшириқлари бажарилиши талаб этилган бўлса, бугунги куннинг бош масаласи корхона акцияларини реализацияси бўлиб уларни сотишдан тушган тушум сармоя манбаи ҳисобланади. Бу акцияларни тарқатилишида давлат идораларининг кенг доирадаги аралашуви тўғри йўл ҳисобланмайди. Чунки ҳозирги кунда тадбиркорларни тазийқ (зўрлаш) асосида бундай акцияларни сотиб олишга, қарз беришга ёки маълум бир тадбирларни молиялаштиришга ундаш ижобий самара бермайди. Демак юқоридаги муаммони бошқа йўл билан ҳал этмоқ керак. Яъни тадбиркорлар, мулкдорларни онгли равишда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган корхоналар акцияларни сотиб олишга қизиқтириш зарур. Бу ерда бош ролни ҳар бир акция эвазига тўланадиган дивиденд ўйнамоғи лозим. Ушбу муаммо тўлигича ечилган эмас. Бунга сабаб

акцияларга тўланадиган дивидент фоизларининг паст даражадалигидир. Бундан ташқари айрим акциялар учун тўланадиган дивидендларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида хиссадорлик жамиятлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарорлари билан бошқа мақсадларга йўналтирилиши ҳолатлари ҳам юзага келмоқда.

Худудий муаммолар:

Кичик бизнес субъектлари ривожланишида худудий муаммолар ҳам талайгина. Чунки худудларда ишлаб чиқариш кучларини жойлашуви, ривожланиш даражаси, имкониятлари ва имкониятлардан фойдаланиш ҳолатлари бир хил эмас. Масалан, Республикамизда нафақат аҳолининг шу жумладан ишсизларнинг ҳам асосий қисми қишлоқ жойларга тўғри келади.

Аҳоли зичлигининг барча вилоятларда бир хил эмаслиги, ер ресурслари ва улардан фойдаланиш ҳолатини айрим вилоятларда пастлиги, муаммо бўлибгина қолмай келгусида кичик бизнесни ривожлантириш захираси ҳамдир. Демак, уларни ҳал этишда ўзига хос ёндашув зарур.

Яна бир муҳим муаммо қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарларининг кичик бизнес субъектлари фаолиятига аралашувидир. Шунинг унутмаслигимиз лозим, қишлоқ фуқаролар йиғини кичик бизнес субъектларини бошқарувчи органи эмас. Уларнинг бош мақсадлари ижтимоий масалалар бўлсада, мавжуд муаммо уларни ҳал этишда уларга кичик бизнес субъектларига тўғридан-тўғри таъсир этиш ҳуқуқлари берилмаган. Ҳозирги пайтда улар маҳсулотларни тақсимотига аралашувидан ташқари айрим ҳолларда ноқонуний фондлар ташкил этишга ҳам етиб бормоқдалар. Бундай ҳолатларга чек қўймоқ зарур, акс ҳолда яна боқимандачилик иллатлари юзага келиши мумкин.

Инновацион муаммолар:

Маълумки қишлоқ жойларда қўшма корхоналар ташкил этилишида чет эл инвестицияларининг кириб келиш даражаси жуда пастдир. Бунинг асосий сабаби қишлоқ жойлардаги кичик бизнес субъектларини янгиликларга бўлган қизиқишини пастлиги, янгиликлар билан ўз вақтида етарли даражада

танишиш имконияти йўқлиги ва уларнинг иқтисодий самарасига тўла ишонч ҳосил қилмаслик, янги технологияни жорий этиш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигидир. Бу борада кичик бизнес субъектларининг имкониятларини чегараланганлиги ва бу борада давлат ёрдамига мухтожлигини унитмаслигимиз зарур. Оддий мисол бир кичик корхона қошида алоҳида лаборатория ташкил этиш ёки тажриба конструкторлик ишлар олиб бориш мумкин эмас, чунки бунга маблағ ва етарли шароит ҳам йўқ. Бу ерда юқорида таъкидлаганимиздек, давлат аралашуви зарур. Биринчи навбатда янгиликларни яратиш ва уларни жорий этиш борасида кичик бизнес субъектларига амалий ёрдам кўрсатилиши лозим.

Ижтимоий муаммолар

Ҳозирги кунда шахсий хўжалик ишлари билан банд бўлган аҳолининг кўпчилиқ қисми «якка тадбиркорлар» мавқеига эга бўлиб, ўзлари мустақил уюшмаган ҳолда чекланган мақсад йўлида фаолият юритиб бормоқда. Уларнинг якка ҳолда мустақил фаолият олиб бориши ўз вақтида айрим товарларнинг талаб доирасидан ортиб кетишига, айрим маҳсулотларнинг танқичлигига олиб келмоқда. Кўп ҳолларда маҳсулотлар исрофгарчилиги ҳолатлари юзага келмоқда.

Буларнинг ҳал этилишида якка тадбиркорларнинг ҳар томонлама манфаат йўлида маълум уюшмаларга бирикиши энг маъқул йўл ҳисобланади. Чунки уюшмани ташкил этилиши якка тадбиркорлар ёрдамида етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини аниқлабгина қолмай, уларни тақсимлаш масалаларини ҳам мувоффақиятли ҳал этади.

Шу билан бирга иқтисодчиларимиз Республикамизда хусусий тадбиркорликни ривожланишини ушлаб турган муаммолар қуйидагилар деб ҳисоблайдилар:

- Лизинг, консалтинг, инженеринг ва бошқа хизматларнинг етишмаслиги;

- Давлат идораларини (тижорат банки, суғурта компаниялари, солиқ идоралари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, давлат бошқарув органларини, мансабдор шахсларни ва ҳақозоларни) кўп хил турдаги ресурсларни тақсимлаш ва нархини белгилаш жараёнида ва бошқа фаолиятларга аралашуви.
- Давлат рўйхатидан ўтиш ва лицензия олишдаги тўсиқлар. Ҳозирги кунда тадбиркорликнинг турли кўринишлари бўйича фаолият кўрсатиши учун лицензияга эга бўлиши керак бўлган муассасалар ниҳоятда кўп (40га яқин).
- Ҳукукий маданият ва барча жамият аъзоларини қонунга амал қилиш механизмини такомиллаштириш зарур.
- Тадбиркорларнинг манфаатларини солиқ инспекцияси вакиллари, санитар ва бошқа хизматчиларнинг қонунга зид ҳаракатларидан ҳимоялашнинг самарали механизмини етишмаслиги;
- Тадбиркорларнинг ўз ҳақ ҳуқуқларини яхши билмасликлари;
- Ташқи иқтисодий шартномаларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар;
- Ҳозирги якка тадбиркорликни тендер асосида жойлаштирилади. Лекин ҳали биз тендер ҳақида ишончли ахборотга ва керакли ҳужжатни тайёрлашда тажрибага эга эмасмиз. Бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни шу соҳадаги билимларини етишмаслиги.
- Тадбиркорларни- реклама, ахборот билан таъминлашнинг етарли эмаслиги.
- Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш қийматини юқорилиги ва бошқа яна бир қанча муаммолар мавжуд.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликда молиялаш муаммолари энг долзарб мавзу ҳисобланади, чунки молия ресурсларидан эркин фойдаланиш имконияти бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг нафақат ҳўжалик оператсияларини юритиш фаолияти балки бозор иқтисодиётида уларни яшашининг муҳим шартидир.

Маълумки хусусий тадбиркорликни кредитлаш молиявий кредит институтлари томонидан юқори фоизли кредит деб тавсифланади. Чунки бундай юқори фоизли кредит бу секторда банкротлик билан боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатларда хусусий тадбиркорликни кредитлаш банклар ўртасида юқори рақобат остида олиб борилади. Катта корхоналар учун банк хизматлари бозори чегараланмаган. Шунинг учун банклар кичик корхона ва микрофирмаларга хизмат қилишга мажбурлар.

Хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан жалб этилмаганлиги уларнинг шахсий активларининг етарли эмаслиги билан аниқланади ва бу эса ўз навбатида кредит билан таъминлашга хизмат қилади.

3.2.1-жадвал.

Қўрғонтепа туманида кичик бизнесга ажратилган кредитлар миқдори, млн.сўм

№	Кўрсаткичлар номи	2011 й	2013 й	2013\2011, %
1	Кичик бизнесга ажратилган кредитлар миқдори	31580,6	18628	58,9
2	Қисқа муддатли	10516,4	6296	59,8
3	Узоқ муддатли	21064,3	12332	58,5

Манба: Андижон вилояти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туманда кичик бизнесга ажратилган кредитлар миқдори 2011 йилга нисбатан 2013 йилда камайган ва бу 58,9 фоизни ташкил этган.

Фикримизча, хусусий тадбиркорлик ривожини ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлар қуйидагилардан иборат:

1. Солиқлар, валюта ва ташқи савдони бошқариш борасида чет эл инвестициялари учун мустаҳкам режим ўрнатиш, чет эл капитали ёрдамида хусусийлаштириш учун керакли шароитлар яратиш, инвестицион лойиҳалар ҳақида маълумотлар тизимини ташкил этиш;

2. Молиявий-кредит муомаласи тармоғида - кичик бизнес учун кредит муассасалари (масалан, кредит омонат муассасалар) ташкил этишга керакли шароитлар яратиш ва кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш;
 3. Чуқур қайта ишланган маҳсулот экспорти билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун валюта тушумини сотишни мажбурий нормаларини яхшилаш, банклараро ҳисоблаш тизимини ривожлантириш, кичик корхоналар учун асосий фондларнинг амортизацияси;
 4. Марказлашган ресурслар манбаалари, ахборот маълумотлар базасига киришни таъминлаш, тадбиркорлар ва харидорлар ижтимоий ҳимоя кафолатини, таъминлаш;
 5. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан қўллаб-қувватлашни активлаштириш, шу жумладан маҳаллий микёсда солиқ имтиёзлари ишлаб чиқиш;
 6. Кичик корхоналар маҳсулотларига эҳтиёжни ва талаб конъюнктурасини ўрганиш учун республика ахборот тизимини ташкил этиш;
- кичик венчур корхоналарга маблағ сарфлаётган хусусий инвесторларнинг давлат суғуртаси;

Маълумки, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётган корхоналарни хусусийлаштириш ва реструктуризациялаш ҳамда нодавлат юридик шахсларининг пайлари, фуқароларнинг шахсий жамғармалари ёки хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан янги корхоналар ташкил этиш йўли билан барпо этилади. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиши, энг аввало, қонунчилик соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар билан боғлиқ. Шу билан бирга ушбу секторнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам мавжуд.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятининг молиялаштириш кўплаб мамлакатларда, айниқса бозор муносабатига ўтаётган мамлакатларда долзарб муаммолардан ҳисобланади, чунки етарли миқдорда пул маблағларига эга бўлиш нафақат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асоси, балки уларнинг бозор шароитида яшовчанлигини таъминловчи муҳим

шарт ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги йилларда хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу ўринда республикамізда кичик ва хусусий тадбиркорликни кредитлашнинг қонуний асослари яратилганлигини таъкидлаш лозим. Якка тартибда ишловчи тадбиркорлар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда микрокредитлаш тизимининг қонуний асослари яратилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Микрокредитларни бериш банкларнинг ўз шахсий маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг (Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди, Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги бандликни таъминлашга ёрдам бериш фонди, Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди) кредит тармоқлари ҳисобига, шунингдек, республика тижорат банкларида очилаётган халқаро ташкилотларнинг кредит тармоқлари орқали амалга оширилмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Биз Қўрғонтепа тумани мисолида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича битирув малакавий иши ёзиш давомида қуйидаги хулосаларга келдик.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаларини яратишдан иборат бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этишда катта роль ўйнайди, яъни аҳолини иш билан таъминлаш, миллий бойликларини қўпайтириш ва миллат фаровонлиги учун хизмат қилади.

Туманда 2011-2013 йиллар давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 57,3 млрд. сўмдан 73,5 млрд. сўмга етказилиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 28,2 фоизни ташкил этди. Саноат корхоналари томонидан 37,5 млрд.сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 2012 йилга нисбатан 7,7 фоизга ортган. Аҳоли жон бошига халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми 194,1 минг сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 39,5 фоизни ташкил этди.

Тахлил қилинаётган йиллар давомида ўртача ойлик иш ҳақи 39,5 фоизга, аҳоли жон бошига даромадлар 22, 3 фоизга, жон бошига харажатлар 22,2 фоизга ортган.

Ташқи савдо айланмаси 5,4 марта, экспорт ҳажми 11, 3 марта, импорт ҳажми 2,8 марта ўсган. Бу жуда яхши кўрсаткич, чунки экспорт ҳажмининг ошиши ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ўсаётганлигидан далолат беради.

2011 йилда 2703 та кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатаётганлар улуши 96,2 фоизни ташкил этди. 2013 йилда улар сони 2991 тага етди.

Кичик бизнес субъектларининг саноатдаги улуши саноат маҳсулотида 45,0 фоиз, қишлоқ хўжалигида 99,8 фоиз, қурилиш ишларида 96,0фоиз, пуллик хизмат кўрсатишда 62,9 фоизни ташкил этган.

Тахлил ўтказилган даврда туманда жами 5 минг 634 та, жумладан корхоналарни қайта қуриш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ҳисобига 49 та, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 2727 та, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 700 та, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига 1441 та, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ҳамда бозор тузилмасини ривожлантириш ҳисобига 369 та иш ўринлари яратилган.

Кичик корхоналар ҳисобига яратилган иш ўринлари тахлил ўтказилган даврда 22 тага ёки 0,8 фоизга ортган.

Тахлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Хусусий тадбиркорликни инвестициялаш ва уни давлат томонидан қўллаб - қувватлашнинг мавжуд тизимини такомиллаштириш лозим. Республикада тузилаётган нобанк молиявий муассасалар тижорат банкларининг ўрнини босмайди, аксинча, молиявий бозордаги рақобатни кучайтиришга, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк - молия хизматларининг турларини ва сифатини кўтаришга хизмат қилади.

2. Хусусий тадбиркорликка кредитлар беришни янада соддалаштириш зарур. Кредитларни бериш банкларнинг ўз шахсий маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг (тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб - қувватлаш фонди) кредит тармоқлари ҳисобига, шунингдек, республика тижорат банкларида очилаётган халқаро ташкилотларнинг кредит линиялари орқали амалга оширилади.

3. Инфратузилма хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим туртки бўлиб хизмат қилади. Қайси минтақада инфратузилма яхши ташкил этилган бўлса, шу минтақада янги кичик бизнес субъектлари кўпроқ пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш жойларини яратиш ва шу орқали иш билан бандлик муаммоси бир қадар ҳал этилишига эришишни, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш имкониятлари пайдо бўлишини, солиқлар

тушумининг кўпайишини, маҳаллий бюджет даромадларининг ўсишини, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитининг яратилиши ҳамда турли секторлар орасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

4.Хусусий тадбиркорликдаги энг асосий масалалардан бири - ахборот билан таъминлашдир. Кичик бизнес корхоналарида иш юритиш -бу ҳужжат тузиш, расмийлаштириш, уларни кўпайтириш, қабул қилиш, жўнатиш ва рўйхатга олиш, уларнинг бажарилишини текшириш, шунингдек зарур ҳужжатларни изга солиш ва қайта ишланган ҳужжатларни айнан фирманинг ўзида сақлаш каби ишлар мажмуидир.

5.Хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника ресурсларидан, хом-ашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, асбоб-усқналар, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишларида лизинг энг самарали воситалардан биридир. Худуд иқтисодиётини ривожлантириш учун лизинг компаниялари билан асосли битимлар тузиш ва шу орқали саноатни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мумкин. Тарихдан маълум, саноати ва ишлаб чиқариши самарали ва юқори даражадаги давлатларда ривожланиш даражаси ва иқтисодий ўсиш юқори бўлган.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инфратузилмасини ривожлантириш керак. Инфратузилмани шакллантирилиши:

1. Кичик бизнес субъектларининг махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ишлари яхшиланади.
2. Ҳамкорлар орасидаги муносабатлар мустаҳкамланади.
3. Кичик бизнес ходимларини бозор ҳақида тез ва ишончли маълумотлар олиш имконини беради.
4. Кичик бизнес субъектлари ходимлари касб малака маҳорати ва маданияти ортишига олиб келади.
5. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этилишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. 2000 йил 25 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил 14 июнда қабул қилинган, 1998 йил 29 августда ва 1998 йил 18 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил 15 февралда қабул қилинган, 1993 йил 7 майда ва 1994 йил 23 сентябрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» ги Қонуни. 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган , 1993 йил 7 мартда ва 1994 йил 23 сентябрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонуни. 1995 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш” тўғрисида”ги қонуни. 2012
- 8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармони. Хабарнома журнали,2005 йил, 2-сон.
- 9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомил-лаштириш чора- тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони. Хабарнома журнали, 2005 йил, 2-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 20 июндаги ПФ 3620- сонли Фармони. Хабарнома журналы, 2005 йил, 2-сон.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли Фармони. Хабарнома журналы, 2005 йил, 2-сон.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 5 январдаги Фармони. // Халқ сўзи газетаси, 2006 йил 6 январь.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги 2011 йил 21 сентябрдаги ПК-186-сонли қарори. Хабарнома журналы, 2012 йил, 1-сон.

14. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

15.Каримов И.А.Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.

16.Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

17.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.: Халқ сўзи. 2014 й 18 январь, № 13 (5943)

18. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

19.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

20.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

21.Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

22. Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. –М.: Питер, 2006.

23. Бизнес в 2004 году. Регулирование предпринимательской деятельности. –М.: Весь Мир, 2004.

24. Григорьев М.Н. Маркетинг: Учеб. пособие для студентов вузов / –М.: Гардарики,2006.

25. Егерев И.А. Стоимость бизнеса: Искусство управления: Учеб. пособие. – М.: Дело, 2003.

26. Кембелл К. Венчурный бизнес: новые подходы / Пер. с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2004

27. Лапуста М.Г. Предпринимательство. –М.: ИНФРА-М, 2004.

28. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. –М.: ИНФРА-М, 2004.

29. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, В.А. Швандара. – 2-е изд.,

пререб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

30. Морелл Д. Как делать прогнозы в бизнесе. О руководство для предпринимателей / Перевод с англ. –М.: НИППО, 2004.

31. Ройзберг В.Г. Основы бизнеса.: Учебник. – М.: Маркет ДС, 2003.

32. Петрунин Ю.Ю., Борисов В.К. Этика бизнэса: Учеб. пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. –М.: Дело, 2004.

33. Просчеты в международном бизнесе: Издательский дом «Вильямс», 2004.

34. Янковский К.П. Введение в инновационные предпринимательство. –СПб.: Питер,2004.

35. Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига – давр талаби. 3-қисм. –Т.: ТДИУ, 2005.

36. Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2010.

37. Самадов А.Н. «Кичик бизнесни бошқариш» фанидан маърузалар матни. –Т.: ТДИУ, 2010.

38.Қосимов М. Дунё андозаси даражасида ривожланаётган агросаноат. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 3/2011 й.

39.Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

40.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й.

41.Андижон вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари

42.Қўрғонтепа тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари

43.UFSInvestmentCompany: Стратегия на 2012 год. – <http://bonds.finam.ru>